

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 811. 512. 133 1

Машарипова Гулора Машариповна

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЧОҒИШТИРМА ТИЛШУНОСЛИКНИНГ
ТАРАҚҚИЁТИ**

**5А 220102 Лингвистика (Инглиз тили) мутахассислиги
магистри академик даражасини
олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

**Инглиз тили кафедраси
муҳокамасидан ўтган ва маъқулланган
_____кафедра мудири
Г.Рахимова
«26»апрель 2012 й
Баённома № 9**

**Илмий раҳбар:
филология фанлари
доктори,
профессор. Юсупов Ў. Қ.**

Урганч-2012

МУНДАРИЖА

| | |
|---|-----------|
| КИРИШ | 3 |
| БИРИНЧИ БОБ: ЎЗБЕКИСТОНДА ЧОҒИШТИРМА ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ТАРИХИ | 9 |
| 1.1. Туркий тилларни ўзаро қиёслаш типологияси..... | 10 |
| 1.2. Араб тили ва ўзбек тили ўртасидаги чоғиштириш масалалари..... | 20 |
| 1.3. Алишер Навоий – чоғиштирма тилшуносликнинг отаси..... | 23 |
| 1.4. Ўзбек ва форс тилларини ўзаро чоғиштириш..... | 27 |
| ИККИНЧИ БОБ: МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА ЎЗБЕК ТИЛИ БИЛАН ҲОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎЗАРО ҚИЁСЛАШ | 31 |
| 2.1. Ўзбек тилини ҳорижий тиллар билан қиёслаш..... | 34 |
| 2.1.1. Ўзбек ва рус тилларини фонетик, лексик хамда грамматик жиҳатдан чоғиштириш..... | 36 |
| 2.1.2. Ўзбек тили билан немис тилини чоғиштириш..... | 47 |
| 2.2. Ўзбек ва инглиз тилларини ўзаро чоғиштириш..... | 50 |
| 2.2.1. Ўзбек ва инглиз тилларини фонетик жиҳатдан чоғиштириш...57 | |
| 2.2.2. Ўзбек ва инглиз тилларини лексик жиҳатдан чоғиштириш..... | 65 |
| 2.3. Лексикография ва қиёсий типология..... | 73 |
| ХУЛОСА | 80 |
| ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ | 83 |

КИРИШ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур”, “Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонунларини ҳаётга татбиқ қилиниши ҳорижий тилларга бўлган қизиқишни ортишига сабаб бўлди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов шундай фикр билдиради: “Ҳозирги кунда мамлакатимизда ҳорижий тилларни ўрганиш ва ўргатишга катта эътибор берилмоқда. Бу бежизга эмас. Бугун жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун, ҳорижий тиллар бўйича олинаётган билимнинг аҳамиятини ҳеч нима билан баҳолаб бўлмайди. Чунки, бизнинг халқимиз ўзининг буюк келажагини ҳорижий шериклар билан бирдамлик ва ҳамкорликда кўради” [1. 8-9].

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистонда чоғиштирма тилшунослик бўйича кўплаб ишлар амалга оширилган. Тилларни ва улар ўртасидаги турли хил хусусиятларни бир-бири билан қиёслаб ўрганиш тилшунослик соҳасида кўплаб ютуқларни амалга оширишда ёрдам беради. Чунки, дунёдаги ҳамма нарсани фақат қиёслаш орқали англаймиз. Маълумки, тилларни чоғиштириш - улар ўртасидаги лексик, грамматик, фонетик хусусиятларини таққослаб фарқли ва ўхшаш томонларини ўрганиш тилшуносликнинг бугунги кундаги долзарб муаммоларидандир.

Бугунги кунда ривожланиб келаётган когнитив тилшунослик тил ва маданият тил ҳамда жамият билан боғлиқ бўлган лингво-културология, прагматика, социолингвистика, этнолингвистика соҳаларидаги илмий изланишлар айнан сўзлар, сўз бирикмалари ҳамда фразеологик бирликларнинг кенг қиррали таҳлилини тақозо этмоқда.

Маълумки Ўзбекистонда чоғиштирма тилшуносликнинг тажрибалари бағоят қимматли ва салмоқли ҳисобланади. Масалан, Маҳмуд Қошғарий ва

Маҳмуд Замаҳшарийларнинг “Девону луғотит турк” [2, 3, 4] ва “Муқаддамат ул-адаб”[5] китобларида туркий тилнинг барча бойликларидан фойдаланган ҳолда луғат тузиши, кейинчалик ўзбек тилининг асосчиси Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асари[6]да ўзбек тили имкониятларининг форс тили имкониятларидан асло кам эмаслигини исботлаб бергани фикримизга яққол далил бўлади.

Ўзбекистонда кўплаб олимлар чоғиштирма тилшунослик бўйича салмоқли ишларни амалга оширганлар. Профессор Ш. Раҳматуллаев [7], И. Киссен[8], А. Азизов [9, 10, 11, 12, 13], Х. Якубова[14] каби олимлар ўзбек ва рус тилларини, Ж. Бўронов [15, 16, 17, 18, 19] инглиз ва ўзбек тиллари грамматикаларини ўзаро қиёслаб тадқиқ қилдилар.

Кейинги даврларда филология фанлари доктори, профессор Ў. Юсупов инглиз тили грамматикаси, чоғиштирма тилшунослик, умумий тилшунослик ва чет тили ўқитиш методикаси соҳалари бўйича изланиш ва тадқиқотлар олиб бориши натижасида таниқли мутахассиснинг бир қанча илмий ишлари нашр қилинди [20, 21, 22, 23, 24]. Тилшунос олим О. Мўминов эса инглиз ва ўзбек тиллари лексикасини қиёслаб, бир қанча суз ва суз бирикмаларининг ишлатилиши ва маъноларини очиб берди . О.Абдуазизов инглиз, ўзбек ва рус тилларини фонетик жиҳатдан қиёслаб, унли ва ундош товушларни фарқли ва ўхшаш томонларини аниқлаш борасида тадқиқот [26, 27] олиб борди. Шунингдек, мустақиллик йилларида чоғиштирма тилшунослик соҳасида бир қанча номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди [28, 29, 30, 31, 32, 33].

Тадқиқот мавзуси Урганч Давлат университети “Инглиз тили” кафедраси томонидан тавсия этилди. Мавзу “Инглиз тили” кафедрасида маъқулланиб, УрДУ ректорининг 2011 йил февраль буйруғи билан тасдиқланди. Мавзу бўйича ишлар 2011-2012 йилларда “Инглиз тили” кафедрасида олиб борилди. Ишнинг бориши “Инглиз тили” кафедрасида бир неча марта муҳокама объекти бўлди.

Тадқиқотнинг мақсади: Ўзбекистонда чоғиштирма тилшуносликни тараққиёт босқичларга ажратиш ва ўзбек тилини турли ҳорижий тиллар билан чоғиштириб, улар ўртасида турли таҳлиллар олиб боришдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилар:

- Диссертацияда Маҳмуд Қошғарий, Маҳмуд Замахшарий ва Алишер Навоийларнинг чоғиштирма тилшуносликка оид асарларини таҳлил қилиш;
- Ўзбек тилини рус, инглиз ва бошқа ҳорижий тиллар билан фонетик, лексик, грамматик жihatдан чоғиштириш;
- Ўзбек тили қатламига мансуб араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзларни таҳлил қилиш;
- Иш сўнгида Ўзбекистонда чоғиштирма тилшуносликка доир тадқиқотларни таснифлаш;
- Мустақиллик даврида чоғиштирма тилшуносликнинг тараққиётига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган ишларни таҳлил қилиш.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти. Ўзбекистонда чоғиштирма тилшуносликнинг тараққиётини тадқиқ этилиши - тилларни чоғиштириб ўрганиш натижасида турли тиллар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш ҳамда улар ўртасидаги фарқли ва ўхшаш томонларнинг очилиши тилшунослик соҳасидаги турли муаммоларнинг ечилишига ёрдам беради. Тадқиқот давомида олинган натижалар ва хулосалар олий таълим муассасаларида хорижий тилларни ўрганувчи бакалаврият ва магистратура босқичидаги талаба ва магистрантларни ўқитишда, шунингдек, келгусида шу соҳада ўқув, услубий қўлланмаларни яратишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ўрганилаётган мавзу қўламига кўра, ўрганиш услуби ва ўрганилаётган объектига кўра бир қанча янги илмий хулосалар, янги-янги маълумотлар бера олади.

Тадқиқотда эришилган илмий янгиликлар қуйидагиларда ўз ифодасини

топади:

- Ўзбекистонда чоғиштира тилшунослик бўйича эришилган ютуқлар узок тарихга эга эканлиги ўз тасдиқини топган;
- Ўзбек тилини рус, инглиз ва бошқа ҳорижий тиллар билан асосан фонетик ва лексик жиҳатдан чоғиштирилганлиги аниқланди;
- Ўзбек тили лексикасида араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзлар каттагина ҳажмга эга эканлиги аниқланди;
- Чоғиштирилиб ўрганилаётган тилларнинг фонетик, морфологик, лексик, синтактик сатҳларда ҳамда фразеологик воситаларда ифода етилишидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлари кўрсатиб берилди ва умумлаштирилди;
- Тилларни чоғиштиришнинг қиёсий тилшуносликдаги муҳим аҳамиятга эга эканлиги намоён бўлди.
- Чоғиштирилиб ўрганилаётган турли тиллардаги маъно ифодоловчи лексик бирликларнинг этимологик келиб чиқиши турлича эканлиги аниқланди;
- қиёсланиб ўрганилган тилларда ўхшаш ва фарқли жиҳатлари аниқланиб, мисоллар ёрдамида изоҳланди.

Тадқиқотнинг методологик асослари. Тадқиқотнинг методологик асосларини Муҳтарам Президентимиз И.А. Каримов илгари сурган Миллий истиқлол ғояси принциплари ташкил қилади. Мавзунини тадқиқ қилишда куйидаги методлардан фойдаланилди:

- Чоғиштирилиб ўрганилаётган тиллар билан боғлиқ лингвистик воситаларнинг нутқда функционал-семантик жиҳатдан индентификациясини амалга ошириш учун компонент таҳлил методи;
- Турли тиллардаги ўзига хос миллий ва маданий хусусиятларини таҳлил қилиш учун қиёсий-типологик методи;
- Чоғиштириб ўрганилаётган тилларнинг қўлланилиш даражасини аниқлаш учун тажриба (экспериментал) методи.

Шунингдек, тадқиқот асосини Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Таълим

тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш”, “Баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”ги Президент фармонлари, шахслараро ва маданиятлараро мулоқот назариялари ҳамда маданиятлараро диалог концепцияси ташкил этади.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объектини Ўзбекистонда чоғиштирма тилшунослик ва тилларни чоғиштириш бўйича тилшунослик соҳасида бажарилган ишлар – тадқиқотлар, асарлар ташкил этади.

Тадқиқот предмети чоғиштирма тилшуносликнинг тараққиёт босқичларини ўрганиш ва тиллар ўртасида қиёсий таҳлиллар олиб бориш.

Тилшунослик, қиёсий ва чоғиштирма тилшунослик соҳалари бўйича яратилган илмий асарлар, монография ва диссертациялар, шунингдек, икки тилли ва изоҳли луғатлардан тўпланган материаллар тадқиқот учун асосий манба бўлиб хизмат қилди. Диссертация Урганч Давлат университети “Инглиз тили” кафедраси қошидаги семинарларда, шунингдек кафедрада ўтказилган мажлисларда бир неча мартаба муҳокама қилинди ва мавзу юзасидан зарур маслаҳатлар берилди. Тадқиқотнинг асосий мазмуни “Ўзбекистонда чоғиштирма тилшуносликнинг тараққиёти” мавзусида мақола кўринишида Хоразм Маъмун академиясининг 2011 йил №4 сонли Ахборотномасида, шунингдек “Инглиз тили” кафедраси семинар мажлисларида (Урганч, 2011, 2012) маъруза сифатида ўз аксини топган [34. 67-70].

Диссертациянинг тузилиши ва умумий ҳажми. Диссертация “Ўзбекистонда чоғиштирма тилшуносликнинг тарихи” ва “Мустақиллик даврида ўзбек тили билан ҳорижий тилларни ўзаро қиёслаш” каби иккита бобдан таркиб топган. Биринчи боб “Туркий тилларни ўзаро қиёслаш типологияси”, “Араб тили ва ўзбек тили ўртасидаги чоғиштириш масалалари”, “Алишер Навоий – чоғиштирма тилшуносликнинг отаси” ва “Ўзбек ва форс тилларини ўзаро чоғиштириш” деб номланган бўлимларни ўз

ичига олади. Бу бобда Ўзбекистон ҳудудида чоғиштирма тилшуносликка бағишланган дастлабки манбалар – Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” ва Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддамат ул-адаб” асарлари таҳлил қилинади. Чунончи, Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асари таҳлили жараёнида Алишер Навоийнинг чоғиштирма тилшуносликнинг отаси эканлиги маълум бўлади. Бу бобда шунингдек ўзбек тили луғат составидан мустаҳкам ўрин олган араб ва форс тилига доир ўзлашган қатламлар ҳам таҳлил қилинади.

Иккинчи боб “Ўзбек тилини ҳорижий тиллар билан қиёсий таснифи”, “Ўзбек ва рус тилларини фонетик ҳамда лексик жиҳатдан чоғиштириш”, “Ўзбек тили билан немис тилини чоғиштириш”, “Ўзбек ва инглиз тилларини ўзаро чоғиштириш”, “Ўзбек ва инглиз тилларини фонетик жиҳатдан чоғиштириш”, “Ўзбек ва инглиз тилларини лексик жиҳатдан чоғиштириш”, ва “Лексикография ва қиёсий типология” каби бўлимлардан таркиб топган.

Мазкур иккинчи бобда Ўзбек тилини ҳорижий тиллар билан алоқаси кўриб чиқилади. Шунингдек, чоғиштирилаётган тилларнинг хусусияти баён қилинади, чоғиштириш жараёнидаги зарур принциплар кўрсатиб берилади. Рус тили ва немис тилини ўзбек тили билан чоғиштирилиши, айниқса, инглиз тили ва ўзбек тилини фонетик ва лексик жиҳатдан чоғиштирилиши акс этган бўлимлар диссертациянинг асосини ташкил қилади. Иккинчи бобнинг учинчи бўлими луғат тузиш ишларига бағишланади. Бу бўлимда луғатларнинг турлари, икки тиллик изоҳли ва махсус луғатларни тузиш зарурияти ва тамойиллари ўз ифодасини топган.

Шунингдек, ишда кириш, хулоса, адабиётлар рўйхати ва илова ҳам ўрин олган. Диссертациянинг умумий ҳажми 98 саҳифани ташкил қилади.

БИРИНЧИ БОБ: ЎЗБЕКИСТОНДА ЧОҒИШТИРМА ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ТАРИХИ

Тилларни қиёсий ўрганиш даврини 3 босқич асосида татқиқ этамиз:

Биринчи босқич қадимги даврлардан то ўтган асрнинг 20-йилларига қадар бўлган даврни қамраб олади. У давр чоғиштира тилшуносликка йўналтирилган назарий масалаларни ҳал қилишда махсус ишларнинг йўқлиги билан характерланади. Бу даврда “Девону луғотит-турк”, “Муқаддамат ул-адаб”, “Муҳокамат ул-луғатайн” каби асарлар яратилган.

Иккинчи босқич ўтган асрнинг 20-50 йилларини ўз ичига олади. Бу даврда икки асосий йўналиш пайдо бўлган:

- 1). Тилларни қиёсий ўрганиш;
- 2). Лингво-дидактик мақсадда чоғиштириш.

Биринчи йўналиш вакиллари (Г.Аронштейн, В. Матезиус, С. Штромайер ва б.) бир тилнинг бошқа бир тилга муносабатидаги характерли жиҳатлари қизиқтирган [24.15]. Шунинг учун мазкур йўналиш “характерология” номини олди. Характерологик йўналишнинг асосчиси машҳур чех лингвисти В.Матезиус эди. Кейинги йўналишнинг асосчиси эса машҳур рус тилшуноси Е.Д.Поливанов бўлган. Шунини қайд этиш лозимки, Е.Д. Поливанов ўзбек ва рус тилларини ўзаро қиёслаган дастлабки олим ҳисобланади [48].

Учинчи босқич ўтган юз йилликнинг 80-йилларида бошланади ва бизнинг давримизни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Бу даврнинг характерли жиҳатлари қуйидагиларда кўринади:

1. Тилшунослар ва услубиётчиларнинг чоғиштира тилшуносликни ўрганишга бўлган қизиқишини ошириш: собиқ иттифоқдош республикаларнинг барча миллий тилларини рус тилига қиёсланиши;
2. Собиқ совет иттифоқининг йирик тилшунос ва методистларини ХХ асрнинг бошларида “Миллий мактабларда рус тили” журнали саҳифаларида қиёсий тилшунослик атрофида катта баҳс-

мунозараларнинг бўлиб ўтганлиги;

3. АҚШ ва бир қатор Европа давлатлари: Германия, Польша, собиқ Чехославакия, Франция ва Венгрияда тилларни қиёсий ўрганиш бўйича марказларни ташкил қилиниши;
4. Тилларни чоғиштиришда тизимлилик принципини зарурийлиги тилшунослар томонидан чуқур англаниши;
5. Денотатив ёндашувнинг ва дала ёндашувининг турли вариантларининг пайдо бўлиши;
6. Тилларни чоғиштиришда лингвистик назария ва ёндашувларни хилма-хиллигини мавжудлиги;
7. Чоғиштира тилшунослик бўйича йирик асарлар яратилиши [20.13-15].

Ушбу бобда биз чоғиштира тилшуносликнинг 1-боскичи асосида унинг пайдо булиш тарихини куриб чикамиз.

Чоғиштира тилшуносликнинг Ўзбекистонда пайдо бўлишида Маҳмуд Қошғарий ва Маҳмуд Замахшарийларнинг “Девону луғотит турк” [2, 3, 4] ва “Муқаддамат ул-адаб” [5], Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” каби асарлари асосий манбалар ҳисобланади. Ушбу бобда мана шу манбаларнинг ахамиятли томонлари хақида гапирамиз.

1.1. Туркий тилларни ўзаро қиёслаш типологияси

Европада XX аср бошларида лингво-география лингвистиканинг алоҳида тармоғи сифатида шаклланди. Аслида унинг илдизлари Маҳмуд Қошғарийга бориб тақалади. У туркий қабилаларнинг жойлашишини махсус картага туширади. Дунёни шар шаклида тасвирлайди ва уни тўрт томонга—аш-шарк ал-ғарб, аш-шимол, ал-жануб томонларига бўлади. У туркларни йигирма қабиладан ташкил топганлигини айтади. Ҳар бир қабиланинг бир қанча уруғлари борлиги баён қилинади. Шарқдан бошлаб ҳар бир қабиланинг жойлашиши бирин-кетин кўрсатилади. Ҳар қайси қабиланинг тилидаги фарқли хусусиятлари ўрни билан баён қилинади [35. 37-38].

Тилшунослик тарихида қиёсий-тарихий тилшунослик XIX асрдан пайдо бўлди дейилади ва унинг асосчилари сифатида Франц Бопп, Расмус Раск ҳамда Якоб Гриммлар эътироф этилади. Бунинг сабаби шундаки, Ғарб олимлари Маҳмуд Қошғарийнинг «Девон»и билан XX асрнинг биринчи чорагига қадар таниш бўлмаган. Агар таниш бўлганларида эди, қиёсий-тарихий тилшунослик лингво-география сингари тилшунослик йўналишларининг отаси сифатида Маҳмуд Қошғарийни эътироф этган бўлардилар. Машҳур турколог А. М. Шчербак шундай ёзади:

«Маҳмуд Қошғарийнинг «Девон»ига на материалнинг ҳажми жиҳатидан, на муаллифнинг филологик билими жиҳатидан бас келадиган бирон асар йўқ. «Девон»нинг лугат деб аталиши унинг асл мазмунига унча мос келмайди. Бунда туркий тиллар грамматикасидан жуда кенг маълумотлар бор... Яна унда туркий тиллар лексикаси, фонетикасига доир кенг маълумотлар, қабилаларнинг жойланиш хусусиятлари, географик ва бошқа ҳар-хил маълумотлар мавжуд» [36. 29].

Машҳур шарқшунос П. К. Жузе Маҳмуд Қошғарий ҳақида шундай ёзади:

“...Дадил айтиши мумкинки, яқиндагина (XIX аср охирида) Россияда ва Шарқда ўрганилган туркий тиллар фонетикаси ва этимологиясининг асосий қонунлари XI-асрдаёқ Маҳмуд томонидан аниқланган ва ўрганилган эди. Маҳмуднинг бу текширишлари шу қадар кенг ва чуқурки, ҳатто бундай асар XIX-асрда ёзилганда ҳам, унга шон-шараф бўларди. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девон»и сингари асар фан оламида кейинги асрларда ҳам яратилган эмас. Унинг асари бамисоли «Туркий қомусдир» [35.42].

Маҳмуд Қошғарий туркий қабилаларни бирма-бир кезиб, уларнинг тилидаги фарқли хусусиятларни аниқлади, тил хусусиятларига кўра туркий тилларни гуруҳларга таснифлаш имкониятига эга бўлди. Маҳмуд

Қошғарийнинг ўзи бу ҳақда шундай дейди: «*Пухта қўлланма бўлсин деб, ҳар бир қабиланинг ўзига хос хусусиятларига қиёсий қоидалар туздим... Бу масалага қизиққан мутахассисларга асарни қўлланма қилдим*» [2.47].

Маҳмуд Қошғарий ўз олдига қўйган вазифани бажарди. Барча сатхлар бўйича туркий тилларни ўзаро қиёслаб, умумий ва фарқли жиҳатларини ажрата олди. Туркий тилларни фарқли белгиларига кўра дастлаб икки гуруҳга ажратди: турклар (чигил, қошғар, арғу, барсагон, уйғур), ўғуз ва кипчоқ қабилалари тиллари.

Маҳмуд Қошғарий лингвистик қарашлари «араб тилшунослиги» деб юритилувчи тилшунослик мактаби кучоғида шаклланди. Бу мактаб гарчи дунёга «араб тилшунослик мактаби» номи билан машҳур бўлса ҳам, лекин араб маданияти, жумладан, араб тилшунослигининг ривожига халифалик таркибига кирган деярли барча халқлар ҳисса қўшган.

Тилшунослик тарихида Маҳмуд Қошғарий салмоқли ўрин эгаллайди. У тилшуносликнинг жуда кўп соҳалари бўйича қалам тебратди. Қиёсий-тарихий тилшуносликнинг отаси, фонетист-фонолог, лексиколог, лексикограф, лингво-географ, туркий тиллар сарф ва наҳв илмининг асосчиси саналади.

Маҳмуд Қошғарий яратган «Девону луғат ит-турк» асари фақат ўша давр учунгина катта воқеа бўлиб қолмай, бугунги туркология фани учун ҳам ўз қимматини сақлаб келмоқда. У ҳақли равишда туркология фанининг асосчиси ҳисобланади.

Буюк тилшуноснинг илмий меросидан жаҳон илмий жамоатчилиги асримиз бошларига қадар бебаҳра бўлиб келдилар, чунки бу давргача Маҳмуд Қошғарийнинг ҳаёти ва унинг «Девон»и ҳақида маълумот йўқ эди. Хожа Халифа луғатидан бошқа бирортасида бу олим ҳақида маълумот берилмади. 1914 йилда Туркиянинг Диёрбакр шаҳрида истиқомат қилувчи Али Амирий томонидан тасодиф туфайли Маҳмуд Қошғарийнинг «Девон»и

топилди. Бу асар тилшуносликнинг жуда кўп соҳаларини қамраб олган комусий асардир [30.29-32].

«Девону луғатит турк» асари эса хижрий 469 йили ёзилган(мелодий 1076—1077). Ҳошимийлар сулоласидан, аббосийлар авлодидан бўлган Абулқосим бинни Муҳаммад Муқтадога армуғон қилинган. Асарнинг ёзилиш тарихи луғатда шундай баён қилинган:

«Нок йили туркларнинг ўн икки йил номларининг биридир. Бу китобнинг ёзилган йили нок йили эди» [35.28].

Луғат ёзилганда муаллифнинг кексайиб қолганлигини ҳисобга олсак у XI аср бошларида туғилган деб ҳисоблаш мумкин.

Маҳмуд Қошғарий «Девону луғатит турк» асаридан ташқари, туркий тиллар синтаксисига доир «Жавоҳир ун-нахв фил луғат ит-турк» («Туркий тилларнинг нахв (синтаксис) жавоҳирлари») асарини ҳам ёзганлиги ҳақида маълумот беради [35.29]. Афсуски, бундай нодир асар бизгача етиб келмаган ёки ҳалигача топилгани йўқ. Шунинг учун ҳам унинг синтактик қарашлари ҳақида изчил маълумот бериш қийин.

Маҳмуд Қошғарий ўша давр анъанасига кўра, барча асарларини, жумладан, «Девон»ни ҳам араб тилида ёзди.

«Девону луғатит турк»нинг бизгача биргина қўлёзмаси етиб келган. Қўлёзма Истамбулда сақланади. Уни кўчирувчи котиб Муҳаммад бинни Абу Бакр Дамашқий маълумотига кўра, Маҳмуд Қошғарийнинг ўз қўли билан ёзилган нусхадан кўчирилгандир.

Бу асар 1915—1917 йилларда уч томлик китоб ҳолида Истамбулда нашр этилди. Немис шарқшуноси Броккельман томонидан 1928 йилда немис тилига таржима этилиб, Лейпцигда босиб чиқарилди. Басим Аталай усмонли турк тилига таржима қилиб, 1939 йилда Анқарада чоп этди. Машхур шарқшунос олим Солиҳ Муталлибов томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, 1961-1963 йилларда Тошкентда нашр қилинди [35.29].

Туркларнинг тиллари доимо қиёсга асос ролини ўйнайди ва қиёсга асос бўлган лингвистик факт ўғуз ва қипчоқ қабилалари тилларига қиёсланади. Жумладан, фонетик жиҳатдан сўз бошидаги «й» ўғузларда ва қипчоқларда «нўль» ёки «ж» билан алмашинуви айтилади.

| | |
|----------------|--------------------------------------|
| Турклар | Улар (яъни Ўғуз ва қипчоқлар) |
|----------------|--------------------------------------|

| | |
|-----------------------------------|--------------|
| <i>йэлкин «мусофир»</i> | <i>элкин</i> |
| <i>йинжу «марварид»</i> | <i>жинжу</i> |
| <i>йугду «туянинг узун жунни»</i> | <i>жугду</i> |
| <i>йилиг</i> | <i>илиг</i> |

Турклардаги сўз бошида келган «м» уларда «б» билан алмашилиши кўрсатилади:

| | |
|--------------------|-------------|
| Турклар | улар |
| <i>Мэн</i> | <i>бэн</i> |
| <i>мун «шўрва»</i> | <i>бун</i> |

Шунингдек, ўғуз тилининг ўзига хос хусусияти ҳақида гапириб, «т», «к» каби жарангсиз товушлар ўғузларда жаранглилашиши таъкидланади.

Масалан:

| | |
|--|------------------|
| Турк ва бошқа қабилалар тилларида | Ўғузларда |
| <i>тэвай</i> | <i>дэвай</i> |
| <i>от «тешик»</i> | <i>од</i> |

Аксинча, турк ва бошқа қабилалар тилларидаги «д» ўғузларда «т»га айлантирилади:

| | |
|-----------------------|----------------|
| Турклар | Ўғузлар |
| <i>бугда «ҳанжар»</i> | <i>букта</i> |

йигда «жййда»

йикта

Туркий тиллар ўртасидаги бундай фонетик фарқланиш кейинчалик Европа тилшунослари томонидан ҳам эътироф этилди ва улар туркий тилларни худди шундай фарқли белгиларига кўра уч гуруҳга бўлдилар: қарлуқ, ўғуз ва қипчоқ гуруҳи [37.242-310]. Бу тилларнинг фонетик жиҳатдан фарқланишига Маҳмуд Қошғарий кўрсатган белгилар асос қилиб олинди.

Маҳмуд Қошғарий ўғуз ва қипчоқлар айрим сўз ва қўшимчалар таркибидаги «ч» ва «ғ» ундошларини тушириб қолдиришини ва шу хусусияти билан ҳам турклардан фарқ қилишини баён қилади.

Масалан:

Турклар

Ўғузлар ва қипчоқлар

чумчуқ

чумуқ

тамгақ

тамақ

бараган(хадеб

бораверадига)

баран

ураган(хадеб

ураверадиган,)

уран

Маҳмуд Қошғарий морфемик бирликларни ҳам туркий тиллар бўйича қиёслайди ва улар ўртасидаги фарқли хусусиятларни белгилайди. Хусусан, буйруқ майлидаги феълда кўпликнинг ифодаланиши ҳақида фикр юритар экан, шундай ёзади:

«Буйруқ охирига *-гил, қил, -гил* қўшиш тингловчи бирликда бўлгандагина мумкин. Тингловчи иккита ёки ортиқ бўлса, бу қўшимчаларни қўшиб бўлмайди. Иккиталик ва кўплик фарқсиз бир хилдир... Бирлик учун *бар*, иккиталик учун *баринглар иккигу*, кўплик учун *баринглар қамуг* дейдилар. Тингловчи ёши катта, ҳурматли бўлса (ёлғиз бўлса ҳам), ҳурмат юзасидан кўплик шакли қўлланади: *баринг* дейилади. Аслида бунинг маъноси *баринглар* демакдир.

Ўғуз ва қипчоқлар бирликда *бар*, кўпликда *баринг* дейдилар. Улар кўплик кўшимчаси *ларни* тушириб қолдирадилар, *-лар* ўрнига *-нгиз* қўллайдилар» [3.50-51].

Ўтган замонни билдирувчи *-ди* шаклининг ҳам туркий тиллараро вариантланишини кўрсатади. Чунончи, чигил, уйғур, яғмо сингари қабилалар тилларида ўтган замонни ифодалаш учун *-ди* кўшимчаси кўшилишини таъкидлайди. Ўғузлар ва қипчоқларнинг баъзилари — соворинлар бу кўшимчанинг охирига ўзакнинг қаттиқ ёки юмшоқлигига қараб «қ» ёки «к» кўшиб ишлатилиши ва бу кўшимча бирлик ва кўпликда ҳам, турли шахсларда ҳам бир хил қўлланиши, демакки, шахс ва сонда мўътадиллашуви баён қилинади.

Масалан:

Ман йа қурдуқ

биз йа қурдуқ

Сан йа қурдуқ

Сиз йа қурдуқ

Ул йа қурдуқ

Улар йа қурдуқ

Ёки:

Мен келдук

Биз келдук

Сен келдук

Сиз келдук

Ул келдук

Улар келдук

Келаси замон шакли ҳам турк ва ўғузларда фарқли қўлланилиши кўрсатилади: ўғузларда шахс кўшимчасидаги биринчи товуш тушиб қолади.

Масалан:

Турк

Ўғуз

барирман

бариран

келирман

келиран

Турклардаги инкор билдирувчи *эмас*, *армас* тўлиқсиз феъли ўғузларда *тугул* билан алмашиниши кўрсатилади.

Маҳмуд Қошғарий туркий тилшуносликнинг лексикология ва

лексикографиясига ҳам асос солди. У лексикологиянинг объекти бўлган маънонинг кўчиши, торайши ва кенгайиши, зид маъноли сўзлар (антоним), шаклдош сўзлар (лексик омонимия), маънодош сўзлар (лексик синонимия), бир сўзни зид маънода қўллаш каби масалалар бўйича маълумот беради. У лексик омонимларни шаклий ўхшаш бўлган бир неча сўз сифатида эътироф этади. Шунинг учун ҳам бундай сўзларни алоҳида мақола тарзида беради ва изоҳлайди. Масалан: -*ўт*, ўсимлик: ўт унди; - ҳайвонлар ейдиган ҳар турли ўт, хашак: *Атқа ўт бергил*; дори, даво: *Ўт ичдим* «дори ичдим»; оғу, захар: *Бек ангар ўт берди* «Бек унга захар берди» [3.15].

Метонимия йўли билан маъно кўчишига ҳам мисоллар келтириб, Ўғузлар *қий* — *гўнгни оғил* дейишларини, *бош* сўзи ўрнида *соч* сўзини ишлатишларини таъкидлайди.

Сўзларнинг ўхшашлик асосида маъно кўчиши ҳақида ҳам мисоллар берилади. Масалан, *туғмоқ* сўзи илгари фақат одамга нисбатан ишлатилган бўлса, кейинчалик ҳайвонларга нисбатан қўллана бошланганлигини айтади [3.20].

Маҳмуд Қошғарий лексикография соҳасида дунё тилшунослигида юксак чўққига кўтарилди. У XI асрдаёқ туркий сўзларнинг изоҳли луғатини тузди. Маҳмуд Қошғарийга қадар араб тилшунослигида лексикография соҳасида катта муваффақиятларга эришилмаган эди. Хусусан, Ҳалил ал-Фароҳидий ибн Аҳмаднинг «Китоб ул-айн», Сибавайхнинг «Ал-Китоб» сингари асарлари араб оламида шуҳрат қозонди. Маҳмуд Қошғарий уларнинг луғат тузиш принципларига танқидий нуқтаи назардан ёндашиб, ўзига хос йўлдан борди. Бу ҳақда муаллифнинг ўзи шундай ёзади:

«Мен бу китобни махсус алифбе тартибида ҳикматли сўзлар, сажълар, мақоллар, қўшиқлар, ражаз ва наср деб аталган адабий парчалар билан безадим, қаттиқ жойларини юмшатдим, қийин ва қоронғи жойларини ёритдим. Бу иш устида сўзларни ўз жойига қўйиш, керакли сўзларни осонлик билан топиш учун бир неча йиллар машаққат тортдим. Ниҳоят, керакли

сўзларни ўз жойида қўллайдиган, қийинчиликсиз топа оладиган бир ҳолга келтирдим. Китобни саккиз асосий бўлимда чекладим... Ҳар бир бўлимни отлар (исмлар) ва феъллар тарзида икки қисмга ажратиб бердим. Отларни олдин, феълларни эса отлардан кейин ўз сирасига қараб, бобларга ажратиб, ўз ўрнида олдинма-кетин кўрсатдим. Тушунилиши осон бўлиши учун асарда арабча истилоҳлар (термин) қўлладим. Китобни тузиш олдидан Ҳалил ибн Аҳмаднинг «Китоб ул-айн» асарида тутган тартибни қўллаш, истеъмолдан чиққан сўзларни ҳам бера бориш фикри менда туғилган эди. Бу тартиб араб тили билан икки улоқчи отдек тенг пойга қилиб ўзиб бораётган турк тилини тўлиқроқ ёритиш жиҳатидан ҳам яхши эди. Лекин мен ўқувчиларнинг фойдаланиш масаласига асосландим. Мен истеъмолдаги сўзларнигина бердим, истеъмолдан чиққанларини ташладим. Мен тутган тартиб тўғрироқдир» [35.44].

Дарҳақиқат, Маҳмуд Қошғарий тўғри башорат қилган эди. У тутган йўл, луғат тузиш принципи бутун дунё лексикографларини ҳанузгача ўзига ром қилиб келмоқда.

Солиҳ Муталлибовнинг таъкидлашича, сўз шакллари шунчалик узоқ муддатга етказишда Маҳмуд Қошғарий тутган алоҳида тартибнинг аҳамияти каттадир. Бу тартиб асосида қўлёзма зарарланган, ўзгарган тақдирда ҳам қайси сўз қандай бошланиши, ўртада, охирида қай ҳарф борлиги ва бошқаларни аниқлаш осондир. Эҳтимол, Маҳмуд Қошғарийнинг бу тартибни қўллашдан кўзлаган мақсади ҳам шудир [2.28].

Юқорида таъкидланганидек Маҳмуд Қошғарийгача араб лексикографиясида сўзлар таркибидаги товушларнинг физиологик хусусиятига кўра ёки тематик гуруҳларга кўра жойлаштириш анъана бўлган.

Маҳмуд Қошғарий туркий тилнинг таржима ва айна пайтда, изоҳли луғатини тузиб, бу тилнинг амалдаги, жонли сўзлашувдаги луғавий имкониятларини намоиш этишни ўз олдига вазифа қилиб қўйди. Маҳмуд Қошғарийнинг луғати сўзларни жойлаштириш тамойили жиҳатидан ҳам,

луғат материали томонидан ҳам тамоман янги луғат эди.

Маҳмуд Қошғарий туркий тилнинг амалдаги лексик имкониятларини кўрсатмоқ учун турк қавмлари ичида бирма-бир юриб, уларнинг тилларидаги умумий ва ўзига хос томонларини аниқлашга ҳаракат қилди. Бу ҳақда у шундай ёзади:

«Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, кирғизларнинг қишлоқ ва шаҳарларини кўп йиллар кезиб чиқдим, луғатларини тўпладим, турли хил сўз хусусиятларини ўрганиб, аниқлаб чиқдим. Мен бу ишларни тил билмаганлигим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқларни ҳам аниқлаш учун қилдим» [2.44].

Асарда бирлик-кўпликни ифодалашда қабилалар ўртасидаги фарқлар ҳам баён қилинади. «Ўғуз ва кипчоқлар бирликда *бар*, кўпликда *баринг* дейдилар. Улар кўплик қўшимчаси *-ларни* тушириб қолдирадилар *-лар* ўрнига тингловчи бирлигида *-(и)нгиз* қўллайдилар. Ҳурмат учун бир кишига ҳам *-з* орттирадилар, улар тилида бир кишига нисбатан ҳам кўплик устига кўплик қўлланади», дейилади [3.51]. Кўриниб турибдики, бу ўринда аффиксал плеоназм ҳақида ҳам фикр юритилади.

Муайян маъно асосида бир парадигмага мансуб бўлган бирликлар зидлануви, мўътадиллашуви (нейтрализацияси) ҳақида маълумот берилади. Бу ҳақда Қошғарий шундай ёзади:

«Турклар ҳурматли кишиларга нисбатан, гарчи у ёлғиз бўлса ҳам, *бардингиз* дейдилар. Ҳолбуки, *(и)нгиз* аслида кўпликни билдирувчи қўшимчадир. Ўғузлар бунини фақат кўпликда қўллайдилар. (Уларда) *бардингиз* “*ҳаммангиз бардингиз*” демакдир. Бу ерда ўғузлар талаффузи қоидага мувофиқ бўлса ҳам, туркларникида фасоҳат, катта-кичикни фарқ қилиш каби гўзаллик бордир» [3.53-54].

Кўриниб турибдики, «Девону луғатит турк» асари XI аср туркий тилларини чоғиштириш ҳақида тўла тасаввур берувчи қомусий асардир.

Хуллас, Маҳмуд Қошғарий туркий тилларнинг қиёсий фонетикаси,

қиёсий фонологияси, қиёсий лексикологияси, сўз ясаши ҳамда қиёсий морфологияси ҳақида батафсил маълумот берган, луғат тузишнинг намунали мезонини яратган, қиёсий тилшуносликнинг, диалектология, лингво-география каби тилшунослик йўналишларининг асосчиси бўлган буюк тилшунос олимдир.

1.2. Араб тили ва ўзбек тили ўртасидаги чоғиштириш масалалари.

Аёнки, туркий тилларга арабий луғавий бирликларининг кириб келиши VII-VIII асрларда Марказий Осиёнинг араблар томонидан истило этилиши, бу ҳудуд аҳолисининг ислом динини қабул қилиши билан боғлиқ. Ўзбек тили тарихий лексикасини ёзма манбалар асосида кўздан кечирар эканмиз, унда арабизмлар салмоғи XIX аср охири ва XX аср бошларигача тадрижий кўпайганини кўришимиз мумкин. Қадимги туркий битикларда араб сўзлари бўлмагани ҳолда [38.80], XI аср ёдгорлиги “Қутадғу билик”ка нисбатан XII-XIII асрлар ёдгорлиги деб топилган “Ҳибатул-ҳақойиқ”да арабизмлар кўпроқ учрайди.

Араб луғавий бирликлари, бирикмаларининг туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилига ўзлашиш сабаб ва воситалари ҳақида олимларимиз кўплаб илмий мулоҳазаларни баён қилганлар [39, 40, 41, 42].

Тарихий асарлардаги араб луғавий қатламига мансуб ўзлашма сўзларни, асосан, давлат бошқаруви билан боғлиқ ўзлашма сўзлар ва диний мавзуларга оид ўзлашма сўзлар ташкил этади.

Масалан, *ахборот, мактаб, оила, ҳукумат, унишот, маданият, ҳақиқат, дарс ва хакоза.*

Баъзи туркий сўзларга синоним сифатида уларнинг арабчаси қўлланилади. Бу ҳолни тарихчилар ижодига хос бўлган бадий бўёқдорликка интилиш, бадий санъатлардан кенг фойдаланиш услуби билан изоҳлаш мумкин. Араб ва туркий тилларни қиёслаб ўрганган ва бу борада катта луғат яратган олим Маҳмуд Замахшарийдир.

Хоразм жаҳон фани ва маданиятига бир қанча алломаларни етказиб берди. Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон ал-Беруний каби олимларнинг номи дунёга машҳурдир. Ана шулар орасида филология соҳасида катта мавқега эга бўлган Маҳмуд Замахшарийнинг алоҳида ўрни бор.

Аз-Замахшарий дастлаб отаси кўмагида савод чиқарди. Сўнг Хоразмдаги мадрасада таҳсил кўрди. Ўз билимини янада чуқурлаштириш ниятида Бухорога келди. Чунки Бухоро Сомонийлар давридан бошлаб илм-фан марказига айланган, бу ерда илм-фаннинг дунёга донг таратган вакиллари йиғилган эди. У Бухорода ўқишни тугатгач, бир неча йил Хоразмшоҳлар хизматида бўлди.

Замахшарий даврининг буюк олими даражасига кўтарилди. У тилшунослик адабиёт, жўғрофия, тафсир, ҳадис, фикҳ ва илми ал-Қироатга оид эллиқдан ортиқ асарлар яратди. Уларнинг кўпи бизгача етиб келган.

Машҳур тарихчи Ибн ал-Қифтийнинг эътироф этишича, у ўз асрида араб тилида ижод қилган ажамлилар (араб бўлмаганлар) орасида энг буюги бўлган.

Ибн Халликон Замахшарийнинг тафсир, ҳадис, нахв, луғат, илм улбаён бўйича буюк имом, бу илмлар бўйича ўз даврида ягона эканлигини таъкидлайди.

Маҳмуд Замахшарий буюк олим сифатида ўзидан кейинги авлодларга бой илмий мерос қолдирди. Улар ичида тилшуносликка оид асарлари алоҳида қимматга эга. Замахшарий гарчи араб бўлмаса ҳам, лекин араб тили грамматикасига доир бир қанча қимматли асарлар яратди. Араблар: *«Агар шу кўса, чўлоқ бўлмаганда, араблар ўз тилларини билмас эдилар»*,— деб унинг араб тилшунослигидаги буюк ўрнини ҳаққоний эътироф этадилар[43.16-17]

Грамматикага доир асарлари ичида «ал-Муфассал» араб тили морфологияси ва синтаксисини ўрганишда энг муҳим қўлланма сифатида Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам катта шухратга эга бўлган. У.Уватовнинг

таъкидлашига кўра, ҳатто Шом (Сурия) ҳокими Музаффариддин Мусо кимда-ким Аз-Замаҳшарийнинг ушбу асарини ёд олса, унга беш минг кумуш танга пул ва совға қилишга ваъда берган. Бир қанча кишилар аз-Замаҳшарийнинг бу асарини ёд олиб, мукофотга сазовор бўлганлар [43,17].

Замаҳшарийнинг бу китоби шу даражада шуҳрат қозонганки, кўпчилик мунаққидлар уни Сибавайҳийнинг «Китоб Сибавайҳ»ига қиёслайдилар ва шу китоб билан беллаша оладиган буюк асар эканлигини баён қиладилар.

Булардан ташқари, Маҳмуд Замаҳшарийнинг «Муқаддимат ул-адаб» («Адабиётга кириш») асари тилшунослик учун ҳам катта аҳамиятга эга [35].

Бу асар Хоразмшоҳ Алоуддавла Абдул-Музаффар Отсизга бағишлаб ёзилган. Асар беш қисмдан иборат: 1)от, 2) феъл, 3) боғловчилар, 4) от ўзгаришлари, 5) феъл ўзгаришлари.

Мазкур луғат китоб ўша даврда араб тилининг истеъмолда бўлган барча сўзлари, ибораларини қамраб олади. Бу сўзларнинг маънолари, этимологияси етарли даражада кенг шарҳланади.

«Муқаддимат ул-адаб» форс тилидан ташқари, чиғатой (ўзбек), мўғул, турк тилларига ҳам таржима қилинган. Асарнинг чиғатой тилига таржимаси муаллифнинг ўзи томонидан бажарилган бўлиши керак Чунки асар Хоразмшоҳ Отсизга бағишланганидан, китобни у осон тушуниши учун асарнинг арабча матни билан биргаликда чиғатой тилидаги таржимасини берганлиги табиийдир.

Замаҳшарийнинг «Муқаддимат ул-адаб» асарининг бир неча қўлёзмалари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Бу асарнинг бизгача етиб келиши тилшуносликнинг катта бахти саналади. Чунки у ўзбек тили тарихини ўрганишда қимматли ва ишончли материал бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам бу ҳақда Садриддин Айний: *«Муқаддимат ул-адаб» асари ўзбек тили учун бутун дунёнинг*

хазинаси билан баробардир», — деб ёзган эди [35.54-56].

«Муқаддимат ул-адаб» асари асримизга келиб кўпчилик тилшунос олимларнинг диққатини тортди. Айниқса, Н.Н. Поппе ва А. К. Боровковлар унинг мўғул ва ўзбек тилига доир қисмини тадқиқ қилишда ва бутун асарнинг матнини нашр этишда катта хизмат қилдилар.

1926 йилда Бухородан топилган, хижрий 989 йили (мелодий 1492) хаттот Дарвеш Муҳаммад томонидан кўчирилган нусхада «Муқаддимат ул-адаб»нинг арабча матнининг бирданига уч тилда — форс, чигатой (ўзбек) ва мўғул тилларида сўзма-сўз таржимаси берилади. Фақат қисқача сўз бошининггина мўғулча таржимаси берилади.

Юқорида Замахшарийнинг «Муқаддимат ул-адаб» асарининг беш бўлимдан иборат эканлиги баён қилинган эди. Бухоро нусхасида эса сўнгги уч бўлим тушиб қолган.

Исмлар тематик тамойил асосида гуруҳларга бўлинади: вақт номлари, осмон жисмлари номлари, табиат ҳодисалари номлари, метал ва минераллар номлари, алоқа йўллари номлари, сув билан боғлиқ бўлган номлар, ўсимлик номлари ва бошқалар.

Феъллар эса араб грамматик анъанасига мувофиқ ўзак таркибига кўра синфларга ажратилган.

«Муқаддимат ул-адаб» асарининг чигатой ва мўғул тилларидаги таржима матни 1938 йилда Н.Н.Поппе томонидан алоҳида китоб ҳолида нашр этилгани туркийшунослик ва мўғулшуносликда катта воқеа бўлди.

Ҳозирда Урганч Давлат университети филология ва санъат факультети қошида “Араб тили ва маданияти” маркази фаолият юритмоқда. УрДУ ва Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси маданият маркази орасида маданий-илмий алоқалар ўрнатилган.

1.3.Алишер Навоий — чоғиштирма тилшуносликнинг асосчиси.

Жаҳон маданияти тарихида катта обрў-эътиборга сазовор бўлган

Алишер Навоий бутун фаолиятини ўзбек маданиятини дунёга танитиш, ўзбек тили мавқеини баланд кўтаришга бағишлади.

Алишер Навоий ўзигача бўлган туркигуй шоирлар номларини ҳурмат билан тилга олади. Лекин форсий шоирлар қаршисига чиқадиган, улар билан дадил беллаша оладиган ёлғиз Мавлоно Лутфийдан ўзга шоир пайдо бўлмаганидан афсусланади [35,73].

Форс-тожик адабиёти ўзбек адабиётига нисбатан анча қадимий ва бой тажрибага эга бўлганлиги, бу тилда ҳатто қофия луғат китоблари ҳам яратилганлиги туфайли форс-тожик тилида ижод қилиш бир мунча осонроқ эди. Шунинг учун ҳам кўпгина турк (ўзбек) шоирлари ўз она тилларида эмас, балки форс-тожик тилида ижод қилар эдилар. Натижада ўзбекларнинг маълум гуруҳи форс-тожик тилидаги адабиётлардан баҳраманд бўлсалар ҳам, лекин кўпчилиги бадий адабиётдан бебаҳра қолаётган эди.

Алишер Навоий Султон Ҳусайн Баҳодирхон подшолик тахтига ўтиргач ва мамлакат сўровчилик ўрнида ором топгач, мамлакат ишига тинчлик гавҳарларини тизгани, жаҳон экинзорига жамият уруғларини эккани, сўз аҳдини юқори даражага кўтаргани, ҳар илмда фойдали асарлар яратилгани, қизиқ китоблар, ажойиб девон, ғазал, қасида ва маснавий турлари юзага чиқиб, ҳамма ёқа таралгани, ўзлари ҳам, гарчи ҳам форсий ва ҳам туркий шеър айтмоқа қодир бўлсалар ҳам, турк тилининг мавқеини кўтариш мақсадида турк тилида девон яратишга майл қилганини мамнуният билан баён қилади.

Давлат ҳужжатлари ва хатларини форс-тожик тилидан қолишмайдиган даражада ўзбек тилида ёзиш мумкинлигини қуйидагича баён қилди: « ... ва муқобалада форсий алфознинг дилназир ишолари мавжуд ва дилтисанд макотиб домлолари маъбуд. То хаёлга андоқ келдиким, турк алфозининг доғи руқъалари ҳамул мисол била айтилгай ва бу тил номларини ҳам ўшул минвол била сабт этилгай» [6.32-34].

Алишер Навоий ўз она тилида бадий ижод қилиш, она тилининг

бутун гўзаллиги, тароватини амалда кўрсатиш билангина чекланиб қолмади. Она тилини ўша даврда бадий адабиёт учун анъана бўлиб қолган форс тилига қиёслаб, бу тилдан ҳеч қолишмаслигини, ҳатто баъзи ўринларда устунроқ туришини илмий жиҳатдан ҳам исботлаб бермоқни ўз олдиға мақсад қилиб қўйди. Ана шу мақсадда 1499 йилда икки тил муҳокамасига — икки тилнинг чоғиштирма грамматикасига бағишланган махсус асарини— «Муҳокамат ул-луғатайн» асарини яратди.

Алишер Навоийнинг бу асарининг майдонга келиши билан дунё тилшунослигида янги саҳифа очилди. Тилшуносликнинг ҳозирги кунда чоғиштирма (контрастив) лингвистика деб юритилувчи янги йўналишиға асос солинди. Чоғиштирма тилшуносликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, икки тизимға мансуб бўлган тиллар тилнинг барча сатҳлари бўйича бири-бириға солиштирилади. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилади [35.85-86].

Афсуски, тилшунослик тарихида чоғиштирма тилшуносликнинг пайдо бўлиши Ғарб тилшуносларининг номи билан боғланади ва бу тилшунослик йўналишининг бошланиши XIX асрдан деб белгиланади. Бу фикрлар Ғарб олимларининг Алишер Навоий асарларидан беҳабарлиғидан пайдо бўлган. Агар боҳабар бўлганларида эди, Алишер Навоийнинг лингвистик меросидан ҳайратға тушган ва сўзсиз, уни чоғиштирма тилшуносликнинг отаси деб ҳисоблаган бўлардилар. Чунки «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида чоғиштирма тилшуносликнинг барча белгилари мавжуддир.

Биринчидан, солиштириш учун турли тизимдаги тиллар олинади. Туркий тилларға мансуб бўлган турк (ўзбек) тили билан ҳинд-европа тилларининг эроний тармоғиға оид сарт (форс-тожик) тили ўзаро муқояса қилинади. Ўрни билан сомиий тилларига мансуб бўлган араб тилиға ҳам солиштирилади.

Иккинчидан, солиштириш учун келтирилган далилий мисоллар

тасодифий бўлмасдан, тилнинг бутун тизимини қамраб олади. Фонетик тузилишдан тортиб синтактик тузилишгача ҳар икки тизимга мансуб бўлган тиллар солиштирилади. Уларнинг ўзига хос томонлари ҳақида қимматли хулосалар беради.

Икки тилнинг муҳокамасига бағишланган бу асар Алишер Навоийнинг турк (ўзбек) жонли сўзлашув тилини ҳам нақадар чуқур ўзлаштирган, ҳар бир қавмнинг тил хусусиятлари унинг эътиборида бўлган, айни пайтда, форс ва араб тилларининг ҳам зукко билимдони саналган кенг қамровли тилшунос эканлигини тўла намойиш этади.

Бу асар орқали Алишер Навоийнинг фонетик лексик грамматик қарашлари ҳақида маълум тасаввурга эга бўламиз.

Алишер Навоий даврининг улуғ алломаси сифатида ўзигача бўлган форс ва араб тилларидаги илмий билимларни тўла эгаллади. Араб филологияси чашмаларидан баҳраманд бўлди. Арабларнинг бой лингвистик таълимотидан мадад олди. Хусусан, араб тилшунослигида яхши ишланган фонетик таълимот Алишер Навоийга кучли таъсир қилди. Шунинг учун ҳам у товушларнинг артикуляцион-функционал томонига катта эътибор беради ва шу белгига кўра товуш типини - фонемани белгилайди. Фонема ва ҳарф муносабатига эътиборни жалб қилади. Улар бир-бирига доимо ҳам мос келвермаслиги, бир ҳарф бир неча фонемани ифодалаш мумкинлигини баён қилади. Масалан, «ёй» ҳарфи тўрт фонемани, «вов» ҳарфи ҳам тўрт фонемани билдиришини айтади.

Фонемани сўз ва морфемаларни моддий жиҳатдан шакллантирувчи ва уларни бир-биридан фарқловчи бирлик сифатида тушунади. Шунинг учун ҳам сўз таркибида бир хил фонетик вазиятда келган товушни бошқасига алмаштириб, маъно фарқлаш белгисига қараб фонологик вазифа бажариши ёки бажармаслигини аниқлайди. Бундай усул асримиз бошларида Прага лингвистик мактабида ва Америка дескриптив тилшунослигида қўлланилди ва дистрибуция номи билан юритилди.

Алишер Навоий ўзбек тили унлиларининг қатор белгиси бўйича фарқланиши ҳақида фикр юритади ва буни *ў-ө, у-ӯ* зидланиши асосида далиллайди. Масалан, *ўт* «олов», *ўт* «ҳаракат»; *тўр* «тузоқ», *тўр* «уйнинг тўри»: *ўт* «ютмоқ», *ўт* «қаллани ўтга тутиб, тукини куйдириш». Ёки *тер* «термоқ» - *тер* (бунда э нозикроқ талаффуз қилинади) «*ароқ*». Шунингдек «йой» ҳарфи *и, и* (чўзиқ) ва э фонемаларини ифодалашини кўрсатади [6,84-85].

Бу билан Алишер Навоий ўзбек тилида унлиларнинг чўзиқлик-қисқалик белгисига кўра ҳам фарқланишини айтади. Масалан, *биз* “1 шахс кўпликдаги олмош”, *би:з* “бигиз”. Шундай қилиб, Алишер Навоий фонологик оппозицияларда қатор белгиси, миқдорий белги (чўзиқлик-қисқалик)ларни асосий фонологик қимматга эга бўлган белгилар сифатида эътироф этади[6.8-9].

Бундан ташқари, қофияда фонетиканинг аҳамиятига эътибор берган ҳолда турк (ўзбек) тилида қофия имкониятларининг кенглигини ишонарли мисоллар орқали очиб беради. Масалан, *аро* сўзини *саро, даро* билан ҳам, *бода* билан ҳам қофия қилиш мумкинлигини; эрур сўзини *хур, дур* билан ҳам, *дурур, сурур* билан ҳам қофия қилиш мумкинлиги, форс тилида эса бундай имкониятлар йўқлигини кўрсатади [6.13-15].

1.4. Ўзбек ва форс тилларини ўзаро чоғиштириш.

Ўзбек адабий тили ва шеваларида эроний тилларга мансуб сўзлар салмоқли ўрин тутади. Эроний тиллар ва туркий тиллар генетикаси турлича бўлса ҳам, ҳаётий зарурат, маданий-адабий ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг чуқурлашуви туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилида эроний ўзлашмалар миқдорини белгиловчи асосий омил ҳисобланади [42, 44.103-115].

Ўзбек тилида ҳам эроний луғавий қатламга мансуб бўлган *сар* سر компонентли ўзлашма сўзлар доирасидаги бир неча сўз учрайди. Ўзбекча *бош* сўзидаги кўплаб кўчма маънолар форсча *сар* сўзида ҳам кўринади.

Бугунги ўзбек адабий тилида *сар* компонентли сўзлар анчани ташкил қилади. Жумладан, *сардор* سردار сўзи *сар* ва *-дор* қисмларидан иборат. *Дор* қадимги форс тилига тааллуқли сўз ҳисобланиб, ҳозирда *доштан* داشتن – эга бўлмоқ феълнинг ҳозирги замон негизидир. *Сардор* – *Алардин сўнг яна ямут шужаъосидин бир фавж жалодатосор баҳодир, Қутлуғмурод сардор бошлиғ, ҳазрати зиллуллоҳийнинг рухсати билан Бухоро турктозига озим бўлуб, Элжик била Қарокўл орасидин бир оз чўфон ва Бухоро шахрига тева била туз олиб боратургон кўб арғишчисин асири сарпанжаи такдир қилиб қайтиб, мулозамат шарафига мушарраф, авотифи подшоҳонадин сарафрозлиғ топдилар* [45.131].

Сарбоз سرباز – навкар, солдат. Бовужудиким, тожик черики сарбоз тоифаси била атроф-жавонибин эҳтиёти тамом била ихота қилмиш эрдилар, аросидин барқи хотиф янглиғ ўтуб, қалъага кирдилар [46.129]. *Сарбоз* ҳам тарихан ясама сўз ҳисобланиб, *сар* ва *боз* қисмларидан иборат. *Боз* форс тилида жуда кўплаб маъноларга эга. Сўзнинг луғавий маъносига ойдинлик киритиш мақсадида баъзиларини кўриб чиқамиз:

Боз I. Бургут. Бу маънода авестовий *vaz* – учмоқ билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу маъно ўзбек тилидаги *парвоз* (*вазидан* – эсмоқ (шамол ҳақида) феълнинг буйруқ шакли *ваз*)да сақланган. Шикор бургутлари *шаҳбоз* (шоҳ+боз) деб номланади ва бу ҳозирда ўзбекчада *шаввоз* (*шоввоз*) шаклида кўчма маъно касб этган.

Боз II. Кулоч.

Боз III. Қўлнинг бир қисми (кичик бармоқ учидан билаккача).

Боз IV. Яна. (*Боз устига*).

Боз V. *Бохтан* ўйнамоқ; ютқизмоқ маъносидаги феълнинг ҳозирги замон шакли. Бу маънода ўзбек тилида сўз ясовчи кўшимчалардан бири ҳисобланади: *морбоз, дорбоз, қиморбоз, масхарабоз* каби.

Умуман, мазкур сўзнинг маънолари 12 тага етади. “Фарҳанги “Шоҳнома”да форс адабиётининг йирик вакили Манучехрийнинг олти

байтлик қитъаси келтирилади ва уларнинг барчасида *боз* сўзи тажнисли қофия сифатида ишлатилган [47,57]. Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, *сарбоз* сўзида *боз*нинг ўйнамоқ маъноси ётади. Бунда феълнинг маъноси кенгайиб, *бахш этувчи*, *тикувчи* деган мазмун касб этганини кўрамиз. Демак, *сарбоз* айнан “бош тикувчи”, “боши билан жавоб берувчи” маъноларини англатади. Бу ҳолни *жонбоз* сўзида ҳам кўриш мумкин.

Сарҳанг سرهنگ – қўшиннинг катта бир қисми бошлиғи, полк бошлиғи, полковник: *Мазкур бўлгон сарҳанглар амри олий мужиби била от ва ярогин шайлаб, зулҳижжа ойининг ўн бирида, панжшанба куни ул ҳазратдин фотиҳа олиб, мақсад йўлига озим бўлдилар* [45.171].

Форс тилида *ҳанг* шаклида бир неча сўз мавжуд. Ўзлашма сўзларга мансублик касб этишига унинг гуруҳ, тўда маъноси асос бўлган. Ҳозирда курд тилида *hönge* шу мазмунда ишлатилади.

Урганч Давлат университетида “Форс тили ва маданияти” маркази фаолият кўрсатади. Урганч Давлат университети Эрон ислом республикасининг Машҳад дорулфунуни билан ва Эрон элчихонасининг маданий алоқалар бўлими билан дўстона алоқаларни ўрнатган. Университет тадқиқотчилари форс ва ўзбек тилида ёзилган Хоразм шоирлари қаламига мансуб асарлар тили устида тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Биринчи бобга хулоса

1. Бу боб “Туркий тилларни ўзаро қиёслаш типологияси”, “Араб тили ва ўзбек тили ўртасидаги чоғиштириш масалалари”, “Алишер Навоий – чоғиштирама тилшуносликнинг отаси” ва “Ўзбек ва форс тилларини ўзаро чоғиштириш” деб номланган бўлимларни ўз ичига олади. Бу бобда Ўзбекистон ҳудудида чоғиштирама тилшуносликка бағишланган дастлабки манбалар – Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” ва Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддамат ул-адаб” асарлари таҳлил қилинади.

2. Чунончи, Алишер Навоийнинг “Муҳокамат- ул-луғатайн” асари таҳлили жараёнида Алишер Навоийнинг чоғиштира тилшуносликнинг отаси эканлиги маълум бўлди.

3. Шунингдек ўзбек тили луғат составидан мустақкам ўрин олган араб ва форс тилига доир ўзлашган қатламлар ҳам таҳлил қилинди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўзбек тилига тарихан туркий тиллар, араб ва форс тиллари таъсир кўрсатиб – унинг луғат составига ўзлашиб келган. Маҳмуд Қошғарий, Маҳмуд Замахшарий ва Алишер Навоийлар тилнинг барча сатҳлари бўйича туркий тилларни қиёслаб, араб ва форс тилларини ўзбек(туркий) тил билан ўхшаш ва фарқли жиҳатларини ўз асарларида белгилаганлар. Бундан шу нарса равшанки, улар қиёсий-тарихий тилшуносликнинг пойдеворини яратган йирик алломалардир.

ИККИНЧИ БОБ: МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА ЎЗБЕК ТИЛИ БИЛАН ҲОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎЗARO ҚИЁСЛАШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ҳорижий тилларга бўлган қизиқиш сезиларли даражада ошди. Ўзбекистон ҳорижий давлатлар

билан дўстона, иқтисодий ва дипломатик алоқа ўрнатиши, жаҳон интеграциясига дадил кириб бориши ҳорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишни кучайтирди. Натижада ҳорижий тилларни ўрганиш орқали уларнинг тили, маданияти ва адабиётини ўрганишга йўл очилди. Айниқса жаҳон адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига таржима қилиниши, уларни аслият ва таржимада нечоғли акс этиши каби масалалар тиллар аро ўхшашлик ва фарқлиликни ўрганиш масаласини келтириб чиқарди. Бу қиёсий ва чоғиштирма тилшунослик соҳасини янги босқичда ривожланишига олиб келган муҳим омил саналади.

Ўзбекистонда Халқаро «Весминстер» Униерситетининг очилиши, ёшларни турли грантларни ютиб чет элларга ўқишга юборилиши, мамлакатимизда турли хорижий тилларни ўргатиш учун тил марказларининг ташкил этилиши чет тилларга бўлган эътиборнинг яққол мисолларидир. Таржимонлик соҳасида ҳам бир канча ишлар амалга оширилди. Масалан, истеъдодли шоира, таржимон Бегойим Холбекованинг “Муҳаббат муҳри” номли китобининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда шоиранинг ўз ижодидан намуналар билан бирга, инглиз тилидан бевосита ўзбек тилига ўгирган шеърий таржималари, хусусан, Роберт Бёрнснинг 28та шеър ва балладаси, Жеймс Жойснинг бта шеъри киритилган. Таъкидлаш керакки, бу Жеймс Жойс шеъриятдан ўзбек тилига илк бор қилинган таржималардир. Бегойим Холбекованинг инглиз шеъриятдан ўзбек тилига аслиятдан таржималари ўзининг бадиий пухталиги, аслиятга яқинлиги хусусида таниқли таржимашунос, адабиётшунос олимлар илиқ фикрлар билдирганлар. Таржималардан бир мисол келтирамиз:

Бутун умр этса-да таъқиб,
Ўт муҳаббат, қабих қашшоқлик,
Ишқ яшайди қалбимда балқиб,
Шукр, бу ҳам ярим подшоҳлик!

Роберт Бёрнснинг “Муҳаббат ва қашшоқлик” шеърідан олинган бу тўртликда таржимоннинг улуғ шоир руҳидан келиб чиқиб, “ярим подшоҳлик”, деган соф ўзбекча иборани ўрнида ишлатганига тан бермай илож йўқ. Тўпламда яна бир диққатга молик ҳодиса шуки, М. Холбекованинг она тилимиздан бевосита инглиз тилига амалга оширган шеърий таржималари ҳам китобдан жой олган. “Муҳаббат муҳри” китобига жами ўн бешта ўзбек шоирининг шеърлари она тилимиздан ҳеч қандай воситачи тил ёрдамисиз, аслиятдан инглиз тилига таржима қилинган. Унинг таржималари орасида Чўлпон, Ойбек, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Али, Сирожиддин Саййид ва бошқа шоирларнинг шеърлари бор. Шу ўринда Чўлпоннинг “Мен ва бошқалар” шеърідан олинган парча таржимасини қиёслаб кўрайлик. Инглизчада:

Others have got wings, fly in the sky,
They've fun in gardens here and there.
Their words like pearls, sounds clear,
They sing their songs everywhere.

Аслият:

Бошқада қанот бор, кўкда учадир,
Шоҳларга кўнадир, боғда яйрайдир.
Сўзлари садафдек, товуши найдек,
Куйини ҳар ерда элга сайрайдир.

Атоқли таржимашунос олимлар Ғайбулла Саломов ва Нажмиддин Комилов поэзия ва таржима муаммоларига бағишланган “Дўстлик кўприклари” китобида шеърий таржимага юқори баҳо бериб, жумладан, шундай ёзишган: “Бадий таржиманинг бошқа турларига қараганда шеърий таржима, таъбир жоиз бўлса, кўпроқ санъатдир”. Дарҳақиқат, она тилимизда шеър ёзишнинг ўзи санъаткорликни талаб этади. Таржимада эса бу масъулият икки ҳисса ортади. Таржимон тил билишдан ташқари ўзи ҳам

шеър ёзиши, ўта нозик дид, ботиний гўзал ҳис-туйғуларга эга бўлиши, таржима жараёнида аслият матнидаги лирик қаҳрамоннинг қувончу изтиробларини худди ўзиникидай юракдан ўтказиши керак. Р. Бёрнснинг “Айрилиқ” шеъри таржимасини аслият билан қиёслаганимизда таржимонда айни шу имкониятлар мужассамлигини кузатамиз:

Оҳ, қайданам кўришдик бизлар,
Оҳ, қайданам севишдик бизлар!
Севмасайдик бунчалар интиқ,
Абгор этмасмиди айрилиқ.

(Had we never lov'd sae kindly,
Had we never lov'd sae dlindly!
Never met-or never parted,
We had ne'er been broken-hearted.)

Ўзига хос индивидуал услубга эга истеъдодли шоира ва моҳир таржимон Бегойим Холбекова ҳозир Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Халқаро алоқалар ва бадий таржима кенгаши тавсиясига биноан инглиз тилида ўзбек шеърляти антологиясини тайёрлаш устида иш олиб бормоқда. Яқинда у ўн саккиз ўзбек шоири шеърларидан иборат “My soul strives for you” (“Қалбим сизга интилади”) номли таржималар китобини нашр этиб, ўқувчиларга ҳавола қилди [Шаҳобиддинова Ш., Абдувалиев М. Муҳаббат таронаси. Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси, 2012 йил 1 июн, № 22(4161)].

Мустақиллик даврига қадар Ўзбекистонда асосан ўзбек-рус, ўзбек-немис, ўзбек-франсуз ва ўзбек-инглиз тилларини чоғиштириш бўйича бир мунча ишлар амалга оширилган бўлса-да булар кенг мазмунда эмас балки тор шаклда, тизимсиз равишда қилинган ишлар эди. Мустақиллик даврида нафақат юқорида номлари келтирилган тиллар балки, хитой, араб, турк, япон, хинд ва испан тиллари бўйича ҳам қиёсий ҳам чоғиштириш ва луғат тузиш

ишлари бошлаб юборилди.

2.1. Ўзбек тилини хорижий тиллар билан қиёслаш

Чоғиштирма тилшунослик борасида, уни лингвистиканинг алоҳида соҳа сифатида шаклланишида ўзбек олимлари ҳам самарали ишларни амалга оширдилар. Айниқса олимлардан Ў. Юсупов, Н. Қамбаров ва бошқаларнинг бугунги кунда олиб бораётган тадқиқотлари нафақат юртимизда балки чет элларда ҳам катта қизиқишга сабаб бўлмоқда.

Икки тилни қиёслашнинг ҳам назарий, ҳам амалий аҳамияти бор.

Қиёслашнинг назарий аҳамияти ҳар бир қиёсланаётган тил тизимининг типологик таҳлили, структурал хусусияти, асосий тизим бирликларини ифода ва мазмун жихатидан таксономик хусусиятларини аниқлаш, ҳар бир ярусни инвентаризация қилиш ҳамда морфемаларга ажралиши билан таништиришдан иборат.

Қиёслашнинг қонуниятлари эса қиёслашдан олинган натижаларни ўқитиш жараёнида татбиқ қилинишидадир. Биринчиси назарияни яратади, иккинчиси шу назарияни амалда қўллайди. Биринчиси ўрганиш билан, иккинчиси эса ўқитиш билан боғлиқ.

Маълумки, илмий методик адабиётда ҳанузгача қиёслашда қайси тилга, иккинчи тилгами, она тилигами ёки дифференциал ҳолга таяниш керакми, деган масала тўла ҳал қилинмаган.

Қиёслашда ўқитиш жараёни типологик таҳлил натижаларига асосланади, яъни чет тилдаги бирор грамматик даражани тушунтиришда типологик тадбир жараёнида аниқланган баён этиш системаларидан фойдаланилади. Методика эса қиёсий грамматиканинг ҳам биринчи, ҳам иккинчи босқич натижаларидан, яъни танланган даража моҳиятини аниқлашда типологик тадбирнинг биринчи босқичи натижаларидан қиёсий баён этишда эса иккинчи босқич натижаларидан фойдаланади [18.257].

Қиёсий тилшуносликнинг 3 компоненти билан бизнинг республикамизда

чоғиштирма тилшунослик кенг тарқалди [24].

Чоғиштирма тилшуносликнинг умумий принциплари:

- Қиёслаш принципи;
- Тизимлаш принципи;
- Терминологик принцип;
- Қиёсий кўламдорлик принципи;
- Икки томонлама қиёслаш принципи;
- Лингвистик билимларни ижобий ва салбий кўчиришни қайд қилиш принципи;
- Чоғиштирилаётган тилларнинг типологик яқинлиги ва қариндошлик принципи;
- Қиёсланаётган бирликларнинг статистик характери қайд қилиш принципи;
- Синхронлик принципи;
- Худудий чегараланмаганлик принципи;
- Функционал услубларни қайд қилиш принципи;
- Функционал ўхшашлик принципи;
- Оддийлик принципи;
- Минимал мавҳумлик принципи;
- Қисқартириш принципи;
- Она тилининг худудий диалектларини қайд қилиш принципи;

Айрим кичик тизим ёки даражаларни чоғиштириш жараёнининг

хусусияти ва мақсадига кўра тадқиқотни турлича ўтказиш мумкин. Аммо тил тизимларини чоғиштириш жараёнини мазмун бирликларидан бошлаган маъқул:

1. мазмун ҳар бир тилда, шунингдек чоғиштирилаётган тилларда ифоданинг турли ярусдаги маънодошлик бирликларини умумлаштиради;
2. семантик жиҳатдан ўхшаш категориал маънолар турли тилларда ифоданинг ўхшаш бўлмаган бирликлари билан кўрсатилиши мумкин;
3. танлаб олинган даража бир тилда махсус шакл билан, иккинчи тилда эса перифериал белгилар ёрдамида ифодаланиши мумкин [15. 238].

Тиллар тизимларни қиёслашда типологик тил системасининг хусусиятини аниқлайди. Қиёсий типология қардош бўлмаган ёки турли структурали тилларни ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади.

Ў. Юсуповнинг таъкидлашича, дунёда семантик жиҳатдан бир-бирига тўла мос келувчи тилларнинг ўзи йўқдир. Лекин қисман бўлса ҳам семантик жиҳатдан мос келувчи тиллар мавжуддир. Тиллар семантикасининг айрим жиҳатлари бир-бирига ўхшамаслигининг сабаби турли халқларнинг маданияти, урф-одатлари, илмий-техникавий жараёни, яшаш шароитлари турлича эканлиги билан изоҳланади. Уларнинг ўхшаш жиҳатлари мавжудлиги эса мазкур тилларни таржима қилиш ҳамда қиёслаб ўрганишга имконият беради[24].

2.1.1. Ўзбек ва рус тилларини фонетик ҳамда лексик жиҳатдан чоғиштириш

Иккинчи бобнинг ушбу бўлимида ўзбек тилига хос лексик-семантик ва фонетик ҳодисаларни муҳим хусусиятларини рус тилининг лексикасига ҳамда фонетик тузилишига таққослаб очиб беришга ҳаракат қиламиз ва ўзбек тилига хос бўлган гапдаги кўчма маъноли сўзларни рус тилидаги кўчма маъноли сўзларни ишлатилиши билан чоғиштириш орқали ифодалаш

имкониятлари кўрсатилади.

Унлилар тизими (Вокализм).

Ўзбек ва рус тилларининг ҳар иккаласида 6 тадан унли фонема бор. Ўзбек тилида: *и, э, а, у, ў, о*; рус тилида: *и, э, а, у, о, ы*. Бу унлилар ҳар иккала тилда уч томондан тасниф қилинади:

1. Лабларнинг иштирокига кўра. Бу жиҳатдан унлилар ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам икки гуруҳга ажратилади:

- лабланган унлилар. Бунга ўзбек тилида *у, у, о* унлилари, рус тилида эса *у, о* фонемалари киритилади. Бу унлиларни ҳосил қилишда ҳар иккала тилда лаблар актив иштирок этади;

- лабланмаган унлилар. Бунга ўзбек тилида *и, э, а*, рус тилида эса *и, э, а, ы* фонемалари киритилади. Бу унлиларни ҳосил қилишда лаблар иштирок этмайди.

2. Тилнинг горизонтал (ётиқ) ҳаракатига кўра. Бу жиҳатдан унлилар ўзбек тилида иккига, рус тилида эса учга ажратилади:

- олд қатор унлилар. Бу турга ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам *и, э, а* унлилари киритилади;

- орқа қатор унлилар. Бу турга ўзбек тилида *у, у, о*, рус тилида эса *у, о* фонемалари киритилади;

- аралаш қатор унли. Бу тур унлига фақат рус тилидаги *ы* фонемаси киритилади. Бу фонеманинг талаффузида икки хил ҳолат бор.

Биринчи ҳолатда: тилнинг учи, ўртаси ва ўзаги орқага тортилади. Масалан: *бык, мыло*.

Иккинчи ҳолатда: тилнинг учи олдинга силжиб, пастки тишларга яқинлашади, аммо тил ўзаги бўғиз томонга тортилади. Масалан: *сыр, тыква*.

Ўзбек тилида *ы* фонемаси йўқ [12.6].

3. Тилнинг вертикал ҳаракатига кўра. Бу жиҳатдан унлилар уч гуруҳга ажратилади:

- юқори тор унлилар. Бунга ўзбек тилида *и, у*, рус тилида эса *и, у ы* фонемалари киритилади;
- ўрта кенг унлилар. Бунга ўзбек тилида *э, у*, рус тилида эса *э, о* унлилари киритилади;
- қуйи кенг унлилар. Бунга ўзбек тилида *а, о* унлилари, рус тилида эса фақат *а* унлиси киритилади [12.7].

Ундошлар тизими (Консонантизм).

Ундошлар тизими ўзбек адабий тилида 25 та фонемани, рус тилида эса 36 та фонемани ўз ичига олади. Ўзбек тили ундошлари таркибига *б, в, г, д, ж, дж, з, и, қ, л, м, н, н, (нз), п, р, с, т, ф, х, ц, ч, ш, қ, р, ғ* фонемалари; рус тили ундошлари таркибига эса *б, б', п, п', в, в', ф, ф', д, д', т, т', з, з', с, с', ж, ш, ц, ч, г', к, к' х, х', м, м', н, н', л, л', р, р', й, (j)* фонемалари киради. Демак ўзбек ва рус тилларининг фонетик қурилиши ундош фонемалар миқдори билан ҳам ўзаро фарқ қилади. Бу тафовут рус тилида қаттиқ ва юмшоқ ундошларнинг борлиги билан белгиланади: *угол — уголь, бор — корь, нос — ось* каби.

Ундош фонемалар ҳар иккала тилда артикуляция ўрни, артикуляция усули, ун пайчаларининг ҳамда овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра тасниф қилинади.

Артикуляция ўрнига кўра ундошлар ўзбек тилида учга — лаб ундошлари, тил ундошлари ва бўғиз ундошига, рус тилида эса иккига — лаб ундошлари ва тил ундошларига булинади.

1. Лаб ундошлари. Буларга ўзбек тилидаги *п, б, м, ф, в* фонемалари, шунингдек рус тилидаги *п, п', б, б', м, м', ф, ф', в, в'* фонемалари киради. Лаб ундошлари ўз навбатида икки гуруҳга — лаб-лаб ва лаб-тиш ундошларига ажралади.

1. Лаб-лаб ундошларига ўзбек тилида *п, б, м, в*; рус тилида эса *п, п', б, б', м, м'* ундошлари киради. Бундай ундошларнинг ўзбек ва рус тиллари учун

умумий белгилари қуйидагича:

- иккала лаб актив қатнашади;
- товуш икки лаб орасидаги тўсиқда ҳосил бўлади.

Бу типдаги ундошларнинг ўзбек ва рус тилларидаги тафовутларига қуйидагилар киради:

- рус тилида лаб-лаб в ундоши йўқ. Шунинг учун руслар ўзбек тилидаги *овул, саксовул* каби сўзларни *аул, саксаул* деб талаффуз қилади;
- ўзбек тилида эса рус тилига хос бўлган юмшоқ *п, б, м* ундошлари учрамайди. Шунинг учун таркибида бундай ундошлар бўлган русча-халқаро сўзлар ўзбек жонли сўзлашувида баъзан бузиб талаффуз қилинади: *бюрократ — буйрақрат, бюро — буйро, пять — пийат, мёд — мийут, пьёт — пишут* каби. Аммо ўзбек адабий тилида рус тилидан ўзлашган сўзларни рус тилининг орфоэпик нормалари асосида талаффуз қилиш қабул қилинган. Шунинг учун таркибида юмшоқ ундошлар бўлган сўзлар ўзбек адабий тилида ҳам рус тилидагидек талаффуз қилиниши керак: *пистолет, бюрократ, Мюнхен, мюзикхолл* каби [12.21].

2. Лаб-тиш ундошларига *ф* ва *в* фонемалари киради Бу товушлар ўзбек тилига бошқа тиллардан ўзлашган *фикат, футбол, вагон, автомат, квас, фабрика* каби сўзларда учрайди.

Лаб-тиш ундошларининг ўзбек ва рус тилларидаги умумий белгилари қуйидагилар:

- ҳар иккала тилда қуйи лаб тиш томон ҳаракат қилади;
- товуш қуйи лаб билан юқори тишлар орасидаги тўсиқда ҳосил бўлади.

Бу тип ундошларнинг ўзбек ва рус тилларидаги тафовутли хусусиятларн қуйидагилар:

- *ф* ундоши ўзбек тилида, юқорида айтиб ўтилганидек бошқа тиллардан ўзлашган сўзлардагина учрайди. Шунинг учун жонли сўзлашувда у баъзан *п* билан алмаштирилади: *қафас-қанас, фақат-пақат* каби. Рус тилида эса *ф-п* ходисаси учрамайди;

- ўзбек тилидаги лаб-лаб *в* сўз охирида жарангсиз *ф* ундоши каби талаффуз қилинмайди: *бешов* каби. Рус тилидаги лаб-тиш *в* эса сўз охирида жарангсиз *ф* ундоши каби талаффуз қилинади: *пристав-пристаф, устав-устаф, актив-актиф, таркиб-состаф* каби.

II. Тил ундошлари. Буларга ўзбек адабий тилидаги *т, д, ж, дж, з, й, қ, л, н, н, р, с, ҳ, ц, ч, ш, қ* фонемалари, шунингдек рус тилидаги *т, т', д, д', н, н', ц, ч, ш, щ, ж, л, л', р, р', й, к, к', г, г', х, х'* фонемалари киради.

Тилнинг қайси қисми актив иштирок этишига кўра тил ундошлари ўзбек тилида тўртга — тил олди, тил ўрта, саёз тил орқа ва чуқур тил орқа ундошларига, рус тилида эса учга — тил олди, тил ўрта ва тил орқа ундошларига бўлинади.

1. Тил олди ундошларига ўзбек тилида *т, д, ж, дж, з, н, р, с, ц, ч, ш* товушлари, рус тилида эса *т, т' д, д', н, н', ц, ч, ш, щ, ж, л, л', р, р'* ундошлари киради.

2. Тил ўрта ундошига ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам битта *й* фонемаси киради. Бу ундошнинг ҳосил бўлишида тилнинг ўрта қисми танглай томон кўтарилиб, тил билан танглай ўртасида тор оралик юзага келади, ҳаво оқими шу ораликдан сиқилиб ўтади. Бу ундошнинг ўзбек ва рус тилларидаги акустик-артикуляцион хусусиятлари деярли фарқ қилмайди. Масалан: *байрам* (ўзб.)—*байдарка* (рус), *пайкал* (ўзб.)—*пайка* (рус), *шибай* (ўзб.) — *трамвай* (рус), *жиддий* (ўзб.) — *радий* (рус) каби [12.22].

Рус тилида *й* сўз бошида анча кам қўлланади, хусусан, у *йод, йог, Йемен* (Яман давлати) каби бошқа тиллардан ўзлашган сўзларда ёки шулар негизида ясалган *йодный, йеменец, йодирование* каби русча сўзлардагина учрайди. Ўзбек тилида эса у сўзнинг бошида ҳам анча кўп қўлланади: *йўл, йўқ, йил, йигирма, йигит, йиги* каби. Булардан ташқари, *й* ундоши ҳар иккала тилда «ё»лашган товушлар таркибида ҳам қўлланади. Бундай ҳолатда у сўз бошида кўп учрайди:

Ўзбек тилида

Рус тилида

яхши (йахиш)

яхта (вахта)

янги (йанги)

янки (йанки)

ярим (йарим)

яркий (йаркий)

енгил (йэнгил)

егерь (йэгерь)

ер (йэр)

если (йэсли)

ёруғ (йоруғ)

ёлка (йолка)

ёш (йош)

ёж (йож)

юр (йур)

юг (йуг)

3. Тил орқа ундошларига ўзбек тилида *к, г, н (нг), қ, х, з* ундошлари, рус тилида эса *к, г, х* ундошлари киради.

III. Бўғиз ундошига бўғиздаги ун пайчалари орасида ҳосил бўладиган *ҳ* ундоши киради. У ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган бўлиб, рус тилида учрамайди.

Артикуляция усулига кўра ундошлар ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам беш гуруҳга — портловчилар, портловчи-сирғалувчилар, қоришик портловчилар, сирғалувчилар ва титроқ товушларга бўлинади.

1. Портловчиларга ўзбек тилида *б, г, д, к, н, т, қ* фонемалари, рус тилида эса *п, п', б, б', т, т', д, д', к, к', г, г'* фонемалари киради. Бундай товушлар ўпкадан келаётган ҳаво оқимининг оғиз бўшлигидаги тўсиқдан портлаб ўтиши билан характерланади.

2. Портловчи-сирғалувчилар. Буларга ўзбек тилидаги *м, н, н (нг)* ва рус тилидаги *м, м', н, н'* фонемалари киради. 3. Қоришик портловчиларга ўзбек тилида *ч, дж, ц* рус тилида эса *ч* ва *ц* ундошлари киради. Бундай ундошлар аслида икки товушнинг (портловчи ва сирғалувчи ундошларнинг) тарихан қўшилиб кетишидан таркиб топган: *ц = т* (портловчи) *с* (сирғалувчи), *ч = т* (портловчи) + *ш* (сирғалувчи), *дж = д* (портловчи) + *ж* (сирғалувчи)

каби.

4. Сирғалувчиларга ўзбек адабий тилида *в, ж, з, й, л, с, ф, х, ш, э, ҳ* рус тилида эса *в, в', ж, з, з', ш, щ, ф, ф', с, с', х, х', л, л'* фонемалари киради. Бундай товушлар ўпкадан келаётган ҳаво оқимининг нутқ органлари ҳосил қилган тўсикдан сирғалиб ўтиши натижасида юзага келади.

2. Титроқ товушларга ўзбек тилидаги *р*, шунингдек, рус тилидаги *р* (қаттиқ) ва *р'* (юмшоқ) ундошлари киради. Бу товушларни ҳосил қилишда тилнинг учи милк томон кўтарилиб, ҳаво оқими таъсирида титрайди.

Ўзбек ва рус тилларида урғунинг қўлланилиши.

Урғу тилнинг суперсегмент элементларидан бўлиб объектига кўра икки турга бўлинади:

1. Сўз урғуси. Бунда сўз таркибидаги бўғинлардан бири чўзиқроқ ва кучлироқ талаффуз қилинади ёхуд алоҳида тонга эга бўлади. Масалан, ўзбек тилидаги *кўча, шаҳар* сўзларининг иккинчи бўғини, рус тилидаги *профессор* сўзининг иккинчи, *медаль* сўзининг эса охириги бўғини кучлироқ ва чўзиқроқ талаффуз қилинади.

2. Гап урғуси. Бунда гап бўлақларидан бири ёки бир нечаси алоҳида таъкидланиб талаффуз қилинади. Масалан: *Мен институтда ўқийман* (нима қиламан). *Мен институтда* (қаерда) *ўқийман*. *Мен* (ким) *институтда ўқийман*. *Я учусь* (что делаю) *в институте*. *Я учусь в институте* (где). *Я* (кто) *учусь в институте* каби.

Сўз урғуси артикуляция кучига кўра динамик урғу (кучли урғу), талаффузнинг чўзилишига кўра квантитатив урғу (чўзиқ урғу), тоннинг ҳаракатига (кўтарилиши ва пасайишига) кўра музикал урғу (тоник урғу) каби турларга бўлинади. Ўзбек ва рус тилларидаги лексик урғу динамик-квантитатив урғу саналади, чунки уларнинг ҳар иккаласида урғули бўғин кучли ва чўзиқ талаффуз қилинади. Аммо рус тилида бундай бўғиндаги унлининг чўзилиш даражаси ўзбек тилидагига қараганда кўпроқ бўлади.

Қиёс қилинг: *тарвуз* — *арбуз*, *занжир* — *зажим*, *балки* — *балка* каби.

Ўрнига кўра урғу эркин ва турғун бўлади. Ўзбек тилида урғу, асосан, турғундир, чунки у кўпроқ сўзнинг охириги бўғинига тушади: *шаҳар*, *узумчилик*, *ишлаш*, *Ташкент*, *Чирчиқ* каби.

Рус тилида эса урғу эркин, чунки у сўзнинг ҳар қадай бўғинига туша олади: *абажур* (охирги бўғинда), *авантюра* (охиридан битта олдинги бўғинда), *лучистый* (ўртадаги бўғинда) *светоч* (биринчи бўғинда) каби.

Ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам урғу бир бўғиндан бошқа бўғинга кўчиши мумкин, аммо уларнинг кўчишида маълум тафовутлар бор: ўзбек тилидаги урғуда сўзнинг охириги бўғинига қараб кўчиш устун туради: *темир* — *темирчи* — *темирчилик* каби. Охириги бўғиндан олдинги бўғинга кўчиш фақат сифатлардан фонетик йўл билан равиш ясалганда (*янги костюм: янги келди* каби) ёки баъзи сўзларнинг маъносига модал оттенкалар кўшилгандагина (*олтови ҳам келди; олтови ҳам келмади* каби) учрайди. Рус тилидаги урғунинг кўчиши эса ҳар хил йўналишда бўлиши мумкин: *загнуть* — *загнан* — *загонять*; *задать* — *задал* — *задала*, *рана* — *ранение* каби [12.46].

Рус тилидаги урғунинг турли ўринда кела олиши, хатто, бир сўзнинг ўзида ҳам учрайди: *докрасна* — *докрасна*, *залитый* — *залитый*, *казаки* — *казаки*, *иначе* — *иначе*, *загиб* — *загиб* каби. Бу ҳол ўзбек тилида йўқ.

Кўшма ва жуфт сўзларда урғу иккита бўлиши ҳам мумкин: *калтакесак*, *темир-бетон*, *гултожихўроз*, *ака-ука*, *қозон-товоқ* (ўзбек тилида); *железо-бетон*, *самопроизвольность*, *темно-синий*, *промышленно-аграрный* (рус тилида) каби.

Ўзбек тилидаги урғу, асосан, сўзнинг тўғри талаффуз нормасини белгилайди, аммо у баъзан сўз маъносини фарқлаш вазифасини ҳам бажаради: *янги* (сифат) — *янги* (равиш), *атлас* (мато) — *атлас* (географик атлас) каби. Урғунинг сўз маъноларини фарқлаш вазифаси рус тилида ҳам бор: *парить* (буғламоқ) — *парить* (парвоз қилмоқ), *замок* (қулф) — *замок*

(қаср) каби. Бундан ташқари, урғу рус тилида сўзнинг грамматик шакллари ҳам фарқлайди; *дома* (род. келишиқдаги от, бирлик шакл) — *дома* (имен, келишиқдаги отнинг кўплик шакли), *горы* (имен, келишиқдаги отнинг кўплик шакли) — *горы* (род. келишиқдаги отнинг бирлик шакли) каби. Ўзбек тилида эса урғунинг бу хусусияти жуда кам учрайди: у асосан от ёки от ўрнидаги сўзларнинг ўрин-пайт келишиқдаги шакли *да* ҳам таажжуб юкламасини олган модал шаклларни фарқлайди, холос: *шаҳарда* — *шаҳарда*, *менда* — *менда*, *сенда* — *сенда* каби.

Ўзбек ва рус тиллари лексикасига қиёсий характеристика.

Ўзбек ва рус тиллари лексикаси, энг аввало, бу тилларнинг турли оилага мансублиги билан фарқланади. Хусусан:

- ўзбек тили генеалогик жиҳатдан туркий тиллар оиласига мансуб бўлиб, унинг асосий лексик фондиди умумтуркий ва ўзбекча сўзлар ташкил қилади;
- рус тили ҳинд-европа тиллари оиласининг славян тиллари гуруҳига киради, шунинг учун унинг асосий лексик фондиди умумславян сўзлари ва шулар асосида юзага келган қадимги рус сўзлари ташкил қилади.

Ҳар икки тил лексикасининг тарихан таркиб топиб, шаклланиб бориши жамият тараққиётини белгиловчи турли омиллар таъсирида содир бўлганлиги учун уларда юзага келган лексик қатламлар ҳам ҳар хилдир. Чунончи:

- ўзбек тили умумтуркий сўзлар, ўзбекча сўзлар, тожикча сўзлар, арабча сўзлар ва рус тилидан ўзлашган сўзлар каби лексик қатламлардан таркиб топган;
- рус тилида умумславян сўзлари, шарқий славян ёки қадимги рус сўзлари, асл русча сўзлар ва бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар каби лексик қатламлар шаклланган.

Қуйидаги мисолларни чоғиштиринг:

Ўзбек тилининг лексик

қатламлари:

а) умумтуркий сўзлар: *бош, олтин, мен, сен, бир, икки, ота, бола, она, тиш;*

б) ўзбекча сўзлар: *ишчи, бош-ла, оқла, ёшлик, узумчилик, тугун, ёгингарчилик, маданиятли, жонгад, добреть, потолок жаво-жангчи, самоварчи;*

в) тожикча-форсча сўзлар: *дастрўмол, фарзанд, сартарош, офтоб, барг, дарахт, озода, астойдил, тилла, дутор;*

г) арабча сўзлар: *ахборот, мактаб, оила, ҳукумат, иншоот, маданият, ҳақиқат, дарс;*

д) русча ва рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар: *самовар, колхоз, совхоз, партия, экономика, космос, роман, повесть, сюжет, композиция, метафора, генетика, автобус, троллейбус.*

е) асл русча сўзлар: *зарплата, раздевалка, кассирша, каменщик, бетонщик, зажигалка, листовка, общность, разбег, огнетушитель;*

г) бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар: *мудрость, время* (эски славян тилидан), *кофта, булка* (поляк тилидан), *арбуз, казна* (туркий тиллардан), *грамота, лавр* (грек тилидан), *комната, ангина* (латин тилидан), *слесарь, балетмейстер* (немис тилидан), *портфель, компот* (француз тилидан), *вокзал, трамвай* (инглиз тилидан), *опера, дуэт* (итальян тилидан), *матрос, шлюпка* (голланд тилидан) [12.47].

Ўзбек тилига рус тилидан (ёки у орқали бошқа тиллардан) ўзлашган сўзларнинг аксарият қисми ижтимоий-сиёсий ҳаётга оид номлар ва илм-фан, транспорт, маориф, адабиёт, санъат каби соҳаларга оид терминлардир: *партия, конституция; пленум, конференция, институт, техникум, лекция,*

Рус тилининг лексик

қатламлари:

а) умумславян сўзлари: *дом, отец, брат, день;*

б) шарқий славян ёки қадим рус сўзлари: *галка, тут, сне-ронок пузырь;*

троллейбус, автобус, поезд, опера, драма, спектакль, ток, амперметр, кульминация, газета, спорт, хлорофилл, станок каби.

Бундай сўзларнинг ўзбек тилидаги фонетик-орфоэпик хусусиятлари куйидагича:

а) кўпчилик сўзлар рус тилидаги фонетик структураси ва талаффуз нормаларини айнан сақлаган (юқоридаги мисоллар);

б) баъзи сўзларда (айниқса XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида ўзлашган сўзларда) маълум ўзгаришлар содир бўлган: *чўтка* (щётка), *чўт* (счёты), *клубнай* (клубника), *ром* (рам), *патнис* (поднос), *каравот* (кровать), *черков* (церковь), *чоризм* (царизм), *сутка* (сутки) *каби* [12.48].

Рус тилидан ўзлашган сўзларнинг юқорида келтирилган кўринишлари (фонетик структураси, талаффузи) ҳозирги ўзбек адабий тили учун нормадир. Аммо ўзбек тилида рус тили орқали ўзлашган сўзларнинг *пирасан* (процент), *ишкоч* (шкаф), *истирапка* (справка), *истакан* (стакан) *иштароп* (штраф), *пилон* (план), *шўпир* (шофёр) деб талаффуз этилиш ҳоллари ҳам борки, буни ҳозирги ўзбек адабий тили учун норма деб бўлмайди. Бу ҳол, асосан, ўзбек тилининг жонли сўзлашув услубига хос.

в) рус тилидан ўзбек тилига ўзлашган сўзлар негизида янги (ўзбекча) сўзлар ҳам ясалган: *самоварчи, курсдош, газлаштириш, спортчи, батареячи, костюмбон, шарсимон* каби.

Рус тили лексикасининг бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар (қатламида туркий тиллардан (шу жумладан, ўзбек тилидан) ўтган луғавий бирликлар ҳам бор. Улар кўпроқ маҳаллий халқнинг иқтисоди, хўжалиги, ишлаб чиқариш қуроллари ва воситалари (масалан, *гузая, курак, кишлак, арба, арық кетмень, джайляу, казан*), миллий таомлар (*плов, манты, шурпа, лагман, халва, казы, кумыс*), миллий чолғу асбоблари (*карнай, дойра, дутар, рубаб, чанг*), маҳаллий ўсимликлар ва мевалар (*инжир, урюк, хандаляк, тут,*

чинар), миллий спорт турлари (*кураш, човган, кызкувмак, аламан, пайга кабилар*) билан боғлиқ сўзлардир. Бундай сўзларнинг рус тилидаги қўлланиш доираси, фонетик-орфоэпик хусусиятлари қуйидагича:

- *карнай, дойра, дувал, гузапая, саман, ганч. кўрақ казы* каби сўзлар фақат Ўрта Осиёда яшовчи маҳаллий руслар нутқида қўлланади;
- фонетик жиҳатдан: *кишмиш (кишмиш), атлас (атлас), барс (барс), батрак (батрак), бек (беқ бег)* каби сўзлар деярли ўзгаришсиз қабул қилинган, аммо *арык (арик), амбар (омбор), аксакал (оқсоқол), акын (оқин), алтын (олтин), бай (бой), басмач (босмачи), бешбармак (бесбармақ бешбармоқ)* каби сўзларда маълум фонетик-орфоэпик ўзгаришлар содир бўлган;
- туркий тиллардан (шу жумладан, ўзбек тилидан) ўзлашган сўзлар ҳозирги вақтда сўз ясовчи аффикслар билан қўшилиб, янги (русча) сўзлар ҳосил қилиш хусусиятига ҳам эга бўлмоқда: *кишлачный, базарном, базарить, бахчевые, саксаульный, лагманная, рубабисты, дутаристы* каби.

2.1.2. Ўзбек тили билан немис тилини чоғиштириш.

Бу бўлимда ўзбек тили ва немис тилларини чоғиштириш тажрибаларини кўриб чиқамиз. Маълумки, вақт ўтиши билан тилнинг типологик классификациясининг турли хил тизимлари ташкил топди. Типологик классификация деганда тилнинг морфологик критерияларга асосан бўлиниши(тақсимланиши) тушинилади.

Тил қурилишининг тўртта асосий тури фарқланади. Бу бўлимлар Август Вилгельм Шлегель томонидан асос солинган бўлиб, Вилгельм Гумбольдт томонидан тўлдирилди ва кенгайтирилди. Ҳозир биз бу турларнинг иккинчи гуруҳига тўхталамиз ва унлиларни немис ва ўзбек тилида таққослаб кўриб чиқамиз.

Аглютинатив тил типи учун муҳим бўлган белги, тилнинг грамматик

ташкилоти ҳамда аффиксларнинг ёрдами билан сўз ясалишидир.

Бунга урал, олтой ва турк тиллари киради. Ички флексияларнинг ходисалари (Флексиялар. Масалан: Ablaut, umlaut, унли ва ундош алмашилиши) аглютинатив тил типининг учун хос эмас.

Ҳар бир аффикс ўзининг яқка грамматик маъносига эга ва ҳар бир грамматик маъно айнан ўша аффикснинг ёрдамида келади.

Морфема(ўзак)лар қатори аглютинатив тилида алмашмайди, ўзгармайди. Мисол тариқасида немисча сўз “das Buch” қуйидаги форма остида яратилади:

китоб – das Buch;

китоби – sein Buch;

китобим – mein Buch;

китобимиз – unser Buch;

китобимизда – in unserem Buch;

китобимиздан – aus unserem Buch ва б [52.18].

Бу мисоллардан кўриниб турибдики ўзбек тилидаги –и, -им, -имиз, -имизда каби эгалик қўшимчалари немис тилида mein, sein, unser, in unserem каби олмошлар орқали қўлланилади.

Бундай мисолларни кўплаб ҳолатларда кўришимиз мумкин. Масалан, ўзбек тилидаги кўплик “лар” қўшимчаси сўз ўзагига таъсир қилмаган. Лекин немис тилидаги кўплик ясовчи umlaut сўз ўзагидаги унлига қўшилиб уни ўқилишини ўзгартиради. Аммо, (-er) суффикси сўз охирига қўшилиб, фонетик ўзгариш ҳосил қилмайди. Масалан:

китоб – das Buch;

китоблар – die Bücher;

китоблари – seine Bücher;

китобларим – meine Bücher;

китобларимиз – unsere Bücher;

китобларимизда – in unseren Bücher;

китобларимиздан – aus unseren Bücher [52.18].

Демак, сўзнинг ўртаси яъни ўзаги аглютинатив тил типига аниқ, яққол кўзга ташланади. Ўзакни ўзгармаганини била оламиз.

Масалан, ўзбек тилида “лар” кўплик қўшимчаси предметнинг сонини ифодалайди. Немис тилида эса бу вазифани *-e*, *-er*, *-en* суффикслари бажаради:

кунлар – die Tage;

болалар – die Kinder;

студентлар – die Studenten ва б.

Ўзбек тилида “и” тегишлиликни билдирса, немис тилида “sein” эгалик олмоши ифодалайди:

дафтари – sein Heft;

китоби – sein Buch;

иши – sein Arbeit [52.20].

Бир сўз билан айтганда тилларнинг классификациясида ҳар бир типология мустақкамлаб қўйилган. Ҳеч қайси тил фақат бир типга хос эмас. Мисол тариқасида немис ва ўзбек тилларини олишимиз мумкин.

Ташқи флексия:

Tag-Tage-Tages; кун-кунлар-кунларнинг.

Агглютинация:

Bild-Bilder-Bildern; сурат-суратлар-суратларга.

Ички флексия(ундош алмашинуви):

sprechen-Sprache-Spruch; тилак-тилагим; бог-боққа.

polyusintez:

Vergibmeinnicht,)

Rührmeinnicht

Isolierung:

auf gut Glück!

Оқ йўл! ва б.

Демак, ҳар бир тилда – агар ўзаро фарқли пропорциядаги тиллар – ҳар хил йўналишдан кетишади. Бу дегани аниқ тил типидagi тартиблар(жойланишлар) аниқ даражага бетартиб тарзда жойлашади.

2.2. Ўзбек ва инглиз тилларини ўзаро чоғиштириш.

Бу бўлимда инглиз ва ўзбек тилларини қиёслашнинг баъзи умумий методологик масалаларини кўриб чиқамиз. Инглиз ва ўзбек тиллари қардош бўлмагани ва турли структурада бўлгани учун ҳам қардош бўлмаган тилларни қиёслаш масалаларигагина тўхтаймиз.

Ҳар хил яруслардаги даражаларни ифода этиш учун методикага нисбий типологиянинг хулосалари даркордир. Чунки қиёсланаётган тилларнинг бирида маълум даражанинг бўлиши, иккинчисида эса мазкур даража бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, инглиз тилидаги перфект, аниқлик-ноаниқлик ва бошқалар мустақил даражага ажратилади, ўзбек

тилида эса уларни ифодалашга махсус грамматик шакллар йўқ.

Худди шунингдек ўзбек тилида предлог йўқ, улардан фойдаланишда турли усуллар қўлланилади. Масалан, агар инглизча тил предлогига ўзбек тилида *ичида* сўзи тўғри келса, бу ўзбек тилидаги *ичида* сўзи предлог, дегани эмас. Ёки ўзбек тилида олтига келишик бор, бу инглиз тилида ҳам олтига келишик шаклини излаш керак деган маънони англатмайди. Бирор даража қиёсланаётган тилларнинг бирида бўлиб, бирида бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, ҳозирги инглиз тили учун перфект даражаси, яъни бинар оппозицияси *perfect—non-perfect* хос бўлиб, бу даражанинг маъноларини ўзбек тилида турли қурилмалар иштирокида англатиш мумкин бўлса ҳам, бу тил учун хос эмасдир [18.258].

Нисбат мустақил даража сифатида ҳозирги ўзбек ва инглиз тилларида ҳам бор. Нисбат даражасини ҳозирги ўзбек тилида қиёслаш анчагина қийин, чунки ўзбек ва инглиз тиллари турли тизимга тааллуқлидир.

Ҳозирги инглиз ва ўзбек тилларида нисбат даражаси турли шаклларда ифодаланади. Мазкур даража ясалишининг асосий усулларини, феълларнинг лексик-грамматик таснифини аниқлаш ва баён этиш методикаси ифодаланишида ҳам, мазмунда ҳам методика учун катта аҳамиятга эга. Назарий жихатдан қуйидаги масалаларга эътибор бериш лозим:

- нисбат даражасининг бирор тил яруси билан муносабатига;
- аналитик ва аналитик бўлмаган шакллар(синтактик қурилмалар)ни фарқ қилиш муаммоларига;
- феълларни семантик таснифлашга;

Турли тизимда бўлишига қарамай, инглиз ва ўзбек тилларининг ўзига хос структура хусусиятлари борлиги каузатив феълларни қиёслаб ўрганиш борасида амалий аҳамият касб этади.

Қиёсий типология бир тил тизимининг она тилининг иккинчи тил тизимига салбий таъсир қилса интерференция қилишини бартараф этишда катта аҳамиятга эга. Она тили билан қиёслаб ўрганиладиган чет тили

Ўртасидаги фарқ қилувчи хусусиятларнинг чалкаштирилишини интерференция дейилади [18.259]. Интерференция жараёни тиллараро алоқа ва билингвизм (икки тиллилик) билан чамбарчас боғлиқ.

Икки ёки ундан ортиқ тил тизимларини қиёсий ўрганиш фонология, лексика ва грамматика тизимларининг дифференциал хусусиятларини аниқлаш ҳамда чет тили ўқитишда она тилидан фойдаланиш ёки фойдаланмасликни аниқлаш учун интерференция ўрганилади [18.259].

Демак интерференцияни назарий жиҳатдан ўрганилганда типологик изоморфизм ва алломорфизм аниқланади, амалий жиҳатдан ўрганиш эса чет тил тизимига она тили тизимининг таъсирида тил ўрганишнинг дастлабки босқичида пайдо бўлган хатоларни бартараф этишга ёрдам беради. Чет тилни она тили заминида ўқитилганида интерференциянинг ижобий ва салбий томони бўлиши мумкин.

Интерференциянинг ижобий томони шундаки, ўқувчиларнинг она тили соҳасидаги билим ва малакалари тўғри аналогияга асосланади. Ўқувчилар аналогиядан фойдаланиб сўз шакллари, қурилма ва гаплар тузилишлари, талаффузни ўрганишда артикуляция ҳолатини қиёслашлари мумкин. Она тилидаги структурал моделлар чет тилда ҳам худди шундай моделлар яшашга имкон беради.

Интерференциянинг салбий томони, чет тили ўқитиш жараёнида, шу тил тизимига она тили тизимининг салбий таъсир этишидир.

Она тили тизимига таяниб, бошқа тилни ўқитишда, шубҳасиз, дидактиканинг асосий принципларига амал қилиш керак. Чет тили ўқитиш тил иерархиясининг мавҳумлашган тизимини ўргатишни ва нутқ фаолиятига ўргатишни ўз ичига олади.

Бу тасниф таҳлил ва синтез билан, маълум бир тилни алоҳида ва комплекс (қўшиб) ўқитишни тақозо этади. Бунда ўқувчиларнинг ёш хусусиятини, улардаги фикрлашнинг ўсиш даражасини, ўқитиш босқичларини, ўз она тилини билиш, она тили ва ўрганилаётган тил

тизимлари ўртасидаги типологик яқинлик ва узоқликни ҳамда бошқа бир қанча омилларни назарда тутиши керак. Ҳар бир тил грамматикаси маълум тил тизимини ташкил этади. Шунинг учун ҳам грамматикани ўргатиш тил тизимини ўргатиш демакдир. Она тили интерференциясини она тили ва чет тил тизимлари ўртасидаги фарқни онгли равишда кўрсатиб бериш билан бартараф этиш мумкин [18.260].

Интерференцияни бартараф этиш учун иккала тил тизими тўла ва қисман қиёсланади.

Тўла қиёслаш чет тили ўқитишнинг анча кейинги босқичларига оид бўлиб, ўрганилаётган тилларнинг бирида баён этилади.

Қисман қиёслаш амалий мақсадни кўзда тутиб, чет тили ўқитишнинг бошланғич босқичига тааллуқлидир.

Қисман қиёслашда чет тили тизимига салбий таъсир этадиган она тили воситалари онгли равишда танланади ва уларни бартараф этишнинг асосий йўллари аниқланади.

Қиёслаш методининг мақсади чет тили тизимини она тилидаги ўхшаш бўлмаган воситалар таъсиридан халос этишдир.

Қиёсланаётган иккала тилдаги лингвистик бирликларнинг ўхшаш эмаслиги умумий бўлиши ёки маълум бир грамматик даражагагина хос бўлиши мумкин.

Ҳар иккала тилнинг ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги лингвистик бирликларнинг ўхшаш бўлмаслигига олиб келади.

Қисман қиёслаш методига муайян грамматик даражани ифода этишда аниқланадиган маълум ўхшаш бўлмаган ҳодисалар киради. Масалан: от даражаси ҳар иккала тил тизимига оид бўлса ҳам, бу тиллар структурасининг гетероген(ҳар хил)лиги муносабати билан ҳар иккала тилнинг фақат биттасигагина хос бўлган бир қанча хусусиятлари мавжуд:

1) аниқловчининг отдан олдин келиши ва отни олмош, сифат, сон туркумлари орқали аниқланиши инглиз ва ўзбек тиллари тизимига хос хусусиятдир.

Масалан:

This book Бу китоб;

His book унинг китоби;

Some books бир қанча китоб.

Артиклинг инглиз тилида бўлиб, ўзбек тилида йўқлиги эса фарқ қилувчи хусусиятдир.

a book – the book

an apple – the apple [18.261].

Аниқлик ва ноаниқлик маъноси мазмун жihatдан ҳар иккала тил учун хос, аммо бу маъно махсус маркерлар билан ифодаланмаганлиги учун ўзбек тилининг ифодаланишида мустақил даража сифатида ажратилмайди. Аниқлик даражасини ифода этишда қўлланадиган лексик-грамматик бирликлар асосий мувофиқлашувчи бирликлар ҳисобланади. Улар олмош, сон, сўз ясовчи ва шакл ясовчи морфемалар ва бошқа воситалардир, масалан:

Give me the book lying on the table.

Менга стол устидаги (устидан турган) китобни Беринг [18.261].

Бу мисолдаги аниқ артикль ўзбек тилида қўшимча лексик-грамматик аниқлик маркеридан воситасида ифода этилган. Бунда она тили интерференцияси бўлиши мумкин эмас.

2) махсус категориал аффиксал морфеманинг борлиги ҳар икки тил тизимида тааллуқли:

а) инглиз тилида асосан кўплик сон флексияси *-s*, *-es* бўлиб, қатор бошқа усуллар ҳам мавжуд. Масалан:

man-men

ox-oxen

datum-data [18.261].

Ўзбек тилида грамматик кўплик маъно асосан лар қўшимчаси ёрдамида ифода этилади.

б) ўзбек тилида қаратқич келишиги морфемаси *-нинг* ишлатилиши чегараланмаган. Ўзбек тилидаги келишик тизими инглиз тили келишик тизимига таъсир этади. Шу сабабли инглиз тилидаги турдош отни ўқувчилар қаратқич келишигида қўллаганларида интерференция ҳолати рўй беради.

Шахс даражаси ҳам қисман ўхшаш бўлмаган интерференцияли ҳолларга киради. Ўзбек тилида «мен келдим» ўрнига «келдим», «сен келдинг» ўрнига «келдинг» дейиш мумкин. Аммо инглиз тилида бундай деб бўлмайди, чунки шахс қўшимчалари йўқ.

Она тили таъсирида ўзбек ўқувчилари ўз нутқида феълдан олдин олмошни тушириб қолдиришлари мумкин: *I came* ўрнига *came*.

Эгалик олмошлари инглиз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам бўлишига қарамай, улар ўртасида маълум тафовут бор, чунончи: инглиз тилидаги боғланган (*conjoint*) эгалик олмошлари шакллари ўзбек тилидаги қаратқич келишигидаги кишилик олмошларига, мустақил (*absolute*) эгалик олмошлари ўзбек тилидаги эгалик олмошларига тўғри келади. Масалан, *tu, your, his, her* кабилар инглиз тилида эгалик олмошлари бўлса, ўзбек тилида уларга мос келувчи *менинг, сенинг, унинг* каби олмошлар кишилик олмошларидир.

3) инглиз тилида отлар олдидан ёрдамчи сўзлар(предлоглар)нинг қўлланилиши инглиз тилидаги от туркумига хос хусусиятлардан биридир, чунки инглиз тилида отлар флексияга бой эмас. Баъзи инглиз предлоглари ўзаро маънодошдир. Чунончи, ўзбек тилидаги жўналиш келишиги *N+ga* инглиз тилидаги *to+N, into+N, on+N, on+N, towards+N, at+N* структураларига мувофиқ келади. Бу эса ўқувчилар предлог танлашларида хато қилишига сабабчи бўлиши мумкин. Ўқувчилар учун қийинчилик туғдирадиган ҳоллардан бири инглиз тилидаги *from+N* предлогли бирикмаси

Ўзбек тилидаги $N+$ дан шаклига баъзан мувофиқ келиши ёки аксинча бўлишидир. Ўқувчилар кўпинча *I asked himни* ўрнига *I asked from him* тарзида предлогни ноўрин қўллашади [18.262].

4) она тилининг интерференцияси сўз тартибини нотўғри қўллашга ҳам сабабчи бўлади. Маълумки, инглиз тилидаги турғун сўз тартиби энг асосий грамматик белгилардан ҳисобланади, ўзбек тилида эса келишиқ тизимининг тараққий этганлиги сўз тартибини турғун қўллашни қисман тақозо этмайди. Ўзбек тилида сўз тартибининг нисбатан эркинлиги инглиз тилидаги турғун сўз тартибининг бузилишига олиб келади. Масалан:

The cat ate the mouse - Мушук сичқонни еди [18.262].

Инглиз тилида сўз тартиби ўзгарса, мазмун ҳам ўзгаради: *The mouse ate the cat - Сичқон мушукни еди*. Инглиз тилидаги турғун гап тартиби англатадиган фикрни ўзбек тилида сўзлар ўртасидаги алоқани ўзгартирадиган махсус грамматик белгилар воситасида англатса бўлади.

Инглиз ва ўзбек тиллари грамматикасини таққослаб ўрганиш яқиндагина бошланган бўлиб, ҳозирги кунда бу икки тил тизимини муфассал таққослаш учун мавжуд материал етарли эмас. Шу сабабли иккала тил тизимининг универсал таксономияси яратиш учун аввал иш методининг маълум мезонини яратиш, грамматик ярус ўлчов бирликларини танлаб, грамматик даражаларни ифодалашда улардан фойдаланиш йўлларини ўрганиш ва уларни типологик таққослашга татбиқ қилишни билиб олиш шарт.

Шундай қилиб, турли тил тизимларини таққослашда тиллар тизимларини умумлаштириш ва қиёслаш кўзда тутилади.

Ж. Бўронов иккита тилнинг чоғиштирма-типологик тадқиқини турли тил ҳодисаларини муштарак ёки фарқлилигини аниқлаш ва тизимлаш йўлидаги дастлабки қадам деб ҳисоблаш мумкин, деб тўғри қайд қилади. Чунки, чоғиштириш типология учун дастлабки фактларни ҳозирлайди(Бу

ерда Ж. Бўронов “структурал типология” терминини қўллайди) [18].

Чоғиштирма типология натижасида олинган натижаларни умумий ҳолатларда мавжуд типологик текширишда қўллаш мумкин [18. 171-172].

2.2.1. Ўзбек ва инглиз тилларини фонетик жиҳатдан чоғиштириш.

Ушбу бобда инглиз ва ўзбек тилларини фонетик жиҳатдан чоғиштириш масалалари ўрганилади. Профессор А.А.Абдуазизов ўзининг “English phonetics” китобида инглиз ўзбек ва рус тилларининг унли ва ундош товушларининг тизимини ўзаро таққослайди [27]. У инглиз ва ўзбек тилларининг ундошлар тизимини қуйидагича қиёслайди:

Ўзбек ва инглиз тилидаги унли товушларнинг таснифи.

Унли товушлар яралишидан умумий принциплари ҳақида маълумотлар тилнинг ҳаракатига, лаб ҳолатига, хусусиятлар (узун-қисқа) миқдорига ва товушнинг тақсимланишига кўра берилади.

Инглиз тилида унли товушларнинг фикр алмашиш барқарорлигига кўра 3 гуруҳга ажратиш мумкин:

1. 10 та монофтонг /i/, /e/, /æ/, /: /, / /, / /, /u/, / /; ,/ə:/; /ə/;
2. 9та дифтонг
овозсиз [i] билан: /ei, ai, i];
овозсиз (u) билан: /au, əu];
овозсиз /ə/ билан: /iə, ə, uə, ə].
3. 2та дифтонгоид: /i:/, /u:/.

Шу таҳлитда инглиз тилида унли товушлар томонидан ўрнини босиши туфайли факултатив ёки ихтиёрий тарзда назарда тутиладиган унли товушларнинг фонетик яралиши 2та фонемадан ташкил топган.

Масалан, // товуши учун

more [m ə], /m \:/:; sore [s ə], /s \:/:.

Шу сабабли бə/ товуши тез-тез туширилиб қолдирилади [28.45-46].

Ўзбек-рус тили унли товушларини яралишида тил ва лаб ҳаракати ҳолатидан ташқари унли товушлар таснифидан бошқа барча принциплари муҳим эмас.

Ўзбек унли товушлари таснифи.

| | | |
|---|--|--------------|
| И | | У юқори тор; |
| Е | | Ў ўрта кенг; |
| А | | О қуйи кенг. |

Инглиз тилининг монофтонг дифтонгоидлари ва ўзбек унли товушларини маъно англатишдаги асосий фарқлари ва ўхшашликларини қуйидагиларда кўришимиз мумкин.

1. инглиз, ўзбек ва рус тили унли товушлари оғиз тузилиши жиҳатидан характерланади. Бурун унли товушларини қиёсланиши тиллар ўртасида мавжуд эмас.
2. оғиз ҳаракати расмини солиштириш орқали инглиз тили ва ўзбек тили унли товушларини артикуляциясидаги тил ва лаблар ҳолатларини осон пайқаш мумкин. Инглиз ва ўзбек унли товушларни маълум акустик турларини таҳлил қилиш орқали таққослаш қулай ҳисобланади.

Масалан, і товуши ўзбек ва инглиз тилларида мавжуд. бу солиштириш инглиз тили ва ўзбек тили унли товушларининг орасидаги фонетик

ўзгаришларни осон ифодалашнинг имконини беради.

3. Тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра инглиз унли товушлари “*front*”, “*front - retracted*”, “*mixed*”, “*back-advanced*”, “*back*” каби гуруҳларга бўлинса, ўзбек тилида эса, тўла ҳолда олд ва орқа қатор унлиларга ажратилади.

4. тил баландлиги ва унинг турли талқинига кўра барча унлилар инглиз тилида юқори унли ва хилма-хил унлиларга бўлинади.

Ўзбек тилида эса бу 3та поғонага бўлинади.

- юқори тор унли /и/, /у/;

- ўрта кенг унли /э/, /ў/;

- қуйи кенг унли /а/, /о/.

Аммо биз ўзбек тили унли товушларини қиёсий-типологик таснифлашни ёритиш учун тил узунлигининг турли талқинига кўра тасниф қилишимиз мумкин. Буни биз рентген сурати орқали таққосласак бўлади.

5. лаблар ҳолатига кўра / :/ ва / /лардан ташқари барча орқа қатор инглиз тили унлилари “*rounded*” ҳисобланади. Шунга қарамасдан инглиз тили орқа қатор унлилари ўзбек тили орқа қатор унлиларига қараганда камроқ лабланган ҳолда талаффуз қилинади.

6. юқорида айтилганлардан ташқари бошқа “миқдор-хусусият” фарқлари ҳам мавжуд. Масалан:

- “*tense – laxs*”;

- “*checked-free*”.

Ўзбек унли товушлари барқарор артикулясияга эга. Ўзбек тилида ҳеч қандай дифтонглар ва дифтонгоидлар йўқ. Инглиз ва ўзбек тили унли

товушларининг артикуляциясида бошқа бир фарқлар мавжуд. Масалан: ўзбек тилидаги /и/ товуши инглиз тилидаги /i:/ ва /i/ товушлари орасидаги бошланғич ҳолатни олади. Ўзбек тили артикуляциясида /и/ товуши инглиз тилидаги /i:/ товушидан орқароқда ҳосил қилинади. Аммо, инглиз тилидаги /i/ товушидан олдинроқда ҳосил бўлади [28.56-58].

Бу ҳолатни қуйида рентген чизмаси ёрдамида осон аниқлаш мумкин.

Ўзбек ва инглиз тилидаги ундош товушларнинг таснифи.

Инглиз тили ундошлари қуйидаги 24 товушдан иборатдир:

/p/, /b/, /t/, /s/, /k/, /g/, /n/, //, /l/, /m/, /h/, /v/, /d/, /z/, //, //, /t/, //, /w/, /r/, /j/, //, /
/, /f/ ва //

Ўзбек ундошлари қуйидаги 23 товушдан иборатдир: /p/, /b/, /f/, /v/, /s/, /z/, /t/, /d/, /sh/, /j/, /k/, /g/, /kh/, /g'/, /q/, /h/, /n/, /l/, /r/, /y/, /ch/, /m/, /ng/.

Баъзи инглиз ундошлари, масалан / w/ ўзбек тилида йўқ. Ўзбек тилида ундошлари /kh, g', q/ инглиз тилида йўқ. Ундошлар жадвалига қарайдиган бўлсак, биз сонор ҳамда баъзи ундошларнинг артикуляциясида фарқларни кўришимиз мумкин. Масалан, ўзбек тили ундошлари /t, d/ инглизча /t, d/га қараганда тилнинг олд қисмида талаффуз этилади [27].

Ўзбек тилидаги /q/ товуши инглиз тилида мавжуд эмас, у тил орқа - қараганда оғиз бўшлиғининг кўпроқ олди қисмида талаффуз қилиниши мумкин.

Ундошлар /kh, g'/ фақат ўзбек тилида мавжуд бўлиб, инглиз тилида бундай товушлар учрамайди.

Бурун товушлари иккала тилда ҳам бир хил бўлишига қарамасдан /m, n, ,/ /m, n, ng/ ларнинг артикуляцион, акустик ва фонологик хусусиятлари иккала тилда ҳам турличадир. Масалан, инглиз тилидаги // товуши ҳеч

қандай ҳолатда ҳам /n-g/га ажралмайди. Аммо ўзбек тилидаги *нг* товуши баъзи ҳолатларда *н-г* га ажралиши мумкин:

қўлингга – “to your hand” /қўл-ин-га/, *синглингга* /синг-лин-га/ “to your sister” [27.67-68].

Ўзбек тилида *w* товуши мавжуд эмас.

Ўзбек ва инглиз тилларида урғунинг ишлатилиши.

Тиллар сўзга урғу бериш ва унинг даражаси билан фарқланади. Урғу бериш нуқтаи назаридан сўзларда ва сўз бирикмаларида сўз талаффузи эркин ёки ўзгарувчан ва белгиланган ёки ўзгармас бўлиши мумкин.

А. С. Гимсон фикрига кўра инглиз тилидаги сўзларнинг талаффуз қолипи белгиланган шу мақсаддаки, ҳар қандай берилган сўзнинг асосий бўғинига урғу тушади. Лекин, эркин талаффузда “Free” сўз урғуси асосий бўғинлар тизмаси билан бошқа тиллардагидек боғлиқ эмас. Шунинг учун инглиз тилида сўз талаффузи эркин ҳисобланади. Агар биз ҳамма сўзнинг ҳар қандай бўғинига урғу беролсак, масалан: “water” (сув), “common” (1-бўғинига урғу тушган), “become”, “messpell” (2-бўғинига урғу тушган), “afternoon” (3-бўғинига урғу тушган) ва ҳ.к.

Агар биз ажратилган сўз олсак урғу сезиларли даражада жойлашган. Яъни, икки бўғинли ва кўп бўғинли сўзларда урғу хоҳлаган бўғинга ўзгара олмайди [28.158-159]. Масалан: “about” (ҳақида), “ability” (қобилият), up-to-date (замонавий), “universal” (умумий), “contaid” (ўз ичига олмоқ).

Рус тилида сўз урғуси ҳам эркин ва ўзгарувчан сўзнинг ва сўз бирикмасининг хоҳлаган бўғинига турли грамматик қўшимчалар қўшилиши натижасида ўзгариши мумкин. Масалан: голова - голову, письмо – письма, высокий, пысок, выше, ноги, ночи. Ўзбек тилида сўз урғуси эркин ва хоҳлаган бўғинга тушиши мумкин. Масалан: *дераза* – “a window”, *релс-*

“rails”, қонун “a law”, секретар- “secretary” ва бошқалар.

Сўз урғуси ўзбек тилида эркиндир. Сўз урғуси тиллар алоқаси натижасида эркин туркий тилларда айниқса ўзбек тилида урғу одатда охириги бўғинга тушади.

Туркий тилларда сўзлар ё бирдан олтигача қўшимча қўшилиши мумкин. Масалан: бола – “a child” сўзи тўртта қўшимча олиши мумкин(болаларимизга), “for our children” ишқибозлигимиздан, “as we like” бу ерда олтига турли қўшимчалар мавжуд. Бу сўзларда урғу кўпинча сўзнинг охирига кўчади. Турли муаллифлар инглиз тилида урғуни учдан бешгача бўлган даражага ажратадилар. Британиялик тилшунос олимлар урғуни уч даражага бўладилар:

1. primary (биринчи даражали);
2. secondary (иккинчи даражали);
3. weak(unstressed) – урғу тушмайдиган [28.159].

Кўпчилик америкалик тилшунос олимлар урғуни тўртта даражага ажратадилар:

1. primary;
2. secondary;
3. tertiary (ўрта даражали);
4. weak [27].

Лекин терминлар ва белгилашлар шуни кўрсатадики, урғу турлари ҳам турли хил

Lowered main – *паст урғу*;

medium – *ўртача урғу*;

weak - *урғу тушмайдиған*;

full stress – *тўлиқ урғу каби урғу турлари ёки*:

half stress – *ярим урғу*;

weak stress – урғу тушмайдиған турлари ҳам мавжуд. Балки, кўп бўғинли сўзларда урғуни эшитувчилар бештадан ортиғини фарқлай олмайди [27.160-161].

Инглизларда сўзларни ўқишда урғуларнинг турли хил маънолари фарқланади. Масалан: “Naa” сўзининг бешта маъноси мавжуд. “naa” – ўрта тонда, “held”(майдон). “naa” – паст тонда “custard apple” (олмали крем), “naa” – сал пасайган тонда(юз), “naa” – баланд тонда (онанинг ёш укаси), “naa” – “to be sick” кўтарилган тонда (касал бўлмоқ) [28.165].

Бу турда ўқилишдаги фарқланишлар шуни кўрсатадики, сўз урғуси тушиши билан сўзнинг от ёки феъл экани фарқланади.

Тилшунос олим Д. Б. Фрайнинг айтишича, урғу фарқлари эшитувчилар томонидан фарқланади. Бу мураккаб шаклдаги хилма-хиллик психологик фарқланишга йўналтирилган:

length – *узоқлик, давомийлик*;

loudness – *баландлик, қаттиқлик*;

pitch – *ингичка, йўзонлик*;

quality – *юқори тон*.

Ўзбекча сўзларга қарайдиған бўлсак, сўз урғуси кўпинча асосан, тез-тез такрорланиш, оҳанги мураккаблиги ва оҳанги кучайиши билан англашинилади ва урғу тушган бўғин урғу тушмаған бўғиндан кучли оҳанг билан фарқланади.

Биз шундай ҳисоблаймизки, ўзбек сўзлари талаффузда кучайиши, скандинавия тилларида эса, динамик урғу ҳамда талаффуз кўп ёки кам ҳолатда тенг қўлланилади. Ўзбек тилида сўз урғусига берилган таърифлар маълум бир ўлчамга асосланади. У ёрдамчи ўрганилган маълумотлар томонидан аниқланган бўлишига қарамасдан, инглиз тилида, рус тилида ва ўзбек тилида сўз урғуси динамик урғудек, таърифланади. Сўз урғуси таркиби ўзаро боғланган ва шунинг учун урғу тушган бўғин ҳар доим узун ва баланд тонда ўқилади. Шунини фарқлаш лозимки, сўз урғуси ва гап урғуси турличадир. Сўз урғуси битта сўздаги бўғинга тушади. Гап урғуси эса, матндаги битта гапнинг сўзини ажратиб кўрсатади. Гап урғуси интонация таркибининг бир қисми ҳисобланади. Сўз урғуси гап урғусидан таркиби даражаси ҳамда бажарадиган функцияси билан фарқланади. Масалан: “can” сўзи одатда урғу олмайди, лекин у гап таркибида урғу олиши мумкин:

Now you can see it. Can you see it. I can [27.178-179].

Грамматик урғунинг икки тури мавжуд:

1. морфологик урғу;
2. чегараланган урғу.

Морфологик урғу инглиз, рус ва ўзбек тилларида мавжуд бўлиб, морфологик категориялар(морфема ва сўз туркумлари) талаффузининг ҳолати билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Масалан:

present – (фёъл) – *совга қилмоқ*.

present – (от) – *совга*.

Рус тилида: ноги – ноги;

Ўзбек тилида: олма – (от) – мева, олма – (фёъл) – фёълнинг бўлишсиз шакли.

Ўзбек ва рус тилларининг сўз урғуларининг даражалари орасидан иккитасини - биринчи даражали ва кучсиз урғуларни солиштиришимиз мумкин. Масалан:

муки – муки;

руки – руки.

Ўзбек тилида *атлас* – (мато); *атлас* – (харита); ёзма – ёзма.

Бу сўзларда урғулар шакл ва маънони фарқлаш хусусиятларини бажаряпти. Аммо, инглиз тилидаги биринчи даражали ва кучсиз урғулар фақат маъно фарқлаши мумкин.

Масалан:

‘contest (от) – *мусобақа*;

to contest (феъл) – *баҳслашмоқ*.

transport (от) – *транспорт воситаси*;

to transport (феъл) – *транспорт воситасида ташишмоқ*.

perfect (сифат) – *баркамол, тўла-тўқис*;

to perfect (феъл) – *камолга етказмоқ* [28.171-172].

2.2.2. Ўзбек ва инглиз тилларини лексик жиҳатдан чоғиштириш.

Инглиз сўзлари билан бошқа тил сўзларининг турли хусусиятларини қиёсий ўрганиш орқали биз инглиз ва бошқа тиллар ўртасида турли белгиларда фарқлар борлигини кўрамиз.

Сўз ясалиши, бир-бирига боғлиқ сўзларнинг семантик яъни маъно жиҳатдан тузилиши ва нутқда ишлатилиши турли тилларда турличадир.

Ҳар бир тилнинг ўз лексик тузилиши мавжуд. Инглиз тилида мавжуд

бўлган бир сўзнинг турлимаънолари ўзбек тилидаги шу сўзнинг турли маънолари билан мос келмаслиги мумкин. Масалан: ўзбек тилидаги. “қўл” ҳамда инглиз тилидаги “hand” сўзларини қиёслаймиз.

“Қўл”

- *Одамнинг бармоқ учларидан елкагача бўлган қисми, аъзоси(рука);*
- *Ҳайвонларнинг олдинги оёқлари(лапа);*
- *Бармоқ(палец);*
- *Ҳар кимнинг ёзув усули(почерк);*
- *Имзо(подпись);*
- *Иш усули(приём работы);*
- *Ихтиёр, изм(воля);*
- *Имконият(условия) [26].*

“Hand”

- *Қўл(рука);*
- *Ҳайвонларнинг олдинги оёқлари(лапа);*
- *Тараф(сторона, положения);*
- *Бошқариш(контроль, положения);*
- *Розилик, ваъда(согласия, обещание);*
- *Ёрдам(помощь);*
- *Бир ўйинчи қўлидаги карта(карты, исходящиеся на руках у одного игрока);*
- *Ишчи(рабочий);*

- *Денгизчи*(матрос);
- *Бажарувчи шахс*(исполнитель, автор);
- *Бир тўда одам*(компания, группа);
- *Уста*(мастер);
- *Эпчиллик*(ловкость);
- *Ёзув, хат*(почерк);
- *Қарсақлар*(аплодисменты);
- *Манба*(источник);
- *Соат стрелкаси*(стрелка);
- *Қанот*(крыло);
- *Бозлам, даста*(пучок);
- *Кафт*(ладонь);
- *Сон гўшти*(окорок);
- *Жилов*(повод) [26].

Юқорида кўриб чиққан миздек фақат баъзи маъноларигина ўхшаш аммо бошқалари турлича “Hand” ва “қўл” сўзлари турли тиллардаги турли ибораларнинг таркибий қисмлари бўлиб келишлари мумкин.

“hand”

the hand of god - худо рози(*божъя воля*);

at the hand – ёнида, яқинида(*близко, рядом*);

to live from hand to mouth – зўрға кун кўрмоқ(*пребываться*);

at any hand – ҳар эҳтимолга қарши (*во всяком случае*);

to have clean hands – ҳақиқатгўй бўлмоқ (*быть честным*).

“қўл”

Қўли ишга бормаиди (рука не поднимается);

қўлни қўлга бериб (рука об руку);

қўлингга эрк берма (рукам воли не давай);

қўлидан келмаиди (руки короткие);

қўли тегмаиди (руки не доходят) [26].

Бундан ташқари “*hand*” ва “қўл” сўзлари инглиз ва ўзбек тилларида турли ясама сўзларни ясаши мумкин.

Масалан: “*hand*” (*handful, handless, handy, handily, handiness, hand*), “қўл” (қўл, қўлла, қўлсиз, қўлли). Инглиз тилидаги “*to take*” феъли ўзбек тилидаги “олмоқ” сўзининг турли маънолари билан мос келолмайди.

Масалан: “*to take an exam*” имтихон топширмоқ; “*to take tea*” – чой ичмоқ; “*to take off*” – ечинмоқ (раздеваться); “*to give an examination*” – имтихон олмоқ; “*to have a rest*” – дам олмоқ; “*to photograph*” – расм олмоқ.

Инглиз ва ўзбек тилларида маъно жиҳатидан бир хил сўзларнинг мазмуний тузилиши бошқача бўлиши мумкин.

Масалан: *бу воқеа менга катта мактаб бўлди. This event was a good lesson to me.*

Инглиз тилидаги сўзнинг лексик нормаси ўзбек тилиникидек бир хил эмас. Масалан: ўзбек тилидаги “қўтармоқ” феъли “қўл” ҳамда “стул” сўзлари билан бирика олади. Лекин инглиз тилидаги “*to raise*” феъли “*hand*” билан бирикиши мумкин, лекин “*chair*” билан бириколмайди. (“*to raise*

hands” аммо “*to raise chair*” бўлмайдди, (“*to lift chair*”) [26].

Инглиз тилидаги бир неча сўзлардан иборат маънодошиқ қатор ўзбек тилидаги фақат бир сўзга мос келиши мумкин.

Масалан: “*accept*”, “*admit*”, “*adopt*”, “*take*”, “*receive*” феъллари ўзбек тилида битта “*мос келмоқ*” сўзи билан мос келиши мумкин.

Ўзбек тилидаги “*passone*” сўзини англиз тилида 3 хил айтилиши мумкин: *painter, artist, drawer*. Инглизча “*blaw*” сўзини ўзбек тилидаги бта сўз билан ифодалаш мумкин: (*уриш, зарба, зарб, урилиш, тақиллатиш, тешиш*). Бу сўзларни англитиш учун англиз тилида 20дан ортиқ сўзлар мавжуд: *blow, smack, slap, whack, poke, dig, rap, knock, stroke* ва ҳақ.

“*to make*” ва “*қилмоқ*” сўзларининг турли хил лексик тузилишлари мавжуд.

to make soup – шўрва қилмоқ; **дарс қилмоқ** – to do lessons;

to make tea – чой дамламоқ; **телефон қилмоқ** – to ring up;

to make a table- стол ясамоқ. **ҳаракат қилмоқ** – to try [26].

Инглиз ва ўзбек тилларидаги сўз ясалишларини қиёсий ўрганиш.

Инглиз ва ўзбек тилидаги сўзларнинг ясалишини қиёсий ўрганиш орқали шуни кўриш мумкинки, тиллардаги содда, ясама ва мураккаб сўзларнинг сони деярли бир-бирига мос келади. Аммо англизча сўзни ўзбек тилига таржима қилганимизда бир қанча фарқларни кўришимиз мумкин. Инглиз тилида ясама ва мураккаб сўзлардан англиз тилидагига қараганда кўпроқ фойдаланадилар. Инглиз ва ўзбек тилида бир-бирига мос сўзларни қиёслаймиз:

English: simple word – Uzbek: derived word.

carpise – *инжиқлик* (from инжиқ)

control – *текшириши* (from текшир)

estimate – *баҳолаш* (from баҳо)

English simple word – Uzbek: word group.

every – *ҳар бир, ҳар қайси*;

essay – *катта бўлмаган адабий асар*;

envy – *рашк қилмоқ*.

English derived word – Uzbek: word group.

compensation – *компенсация (товон) тўлаш*;

comparable – *таққослаб (қиёслаб) бўладиган*;

compel – *мажбур қилмоқ*.

English: compound word – Uzbek: simple word.

cross-country – *кросс*;

dressng-gown – *халат*;

downpour – *сел, жала*.

English derived word – Uzbek: simple word.

courageous – *жасур, тетик*;

grievous – *оғир мусибат*;

hosiery – *трикотаж*.

English; compound word – Uzbek: derived word.

cow-boy – *подачи* (from “пода”);

hugger-mugger – *яширинча* (from “яширин”);

open-minded – *зеҳнли* (from “*зеҳн*”).

Ўзбек тилида ўзак морфема негиз ва сўз тузилиши билан мос келади. Улар аффиксал морфемани ўзларига бириктирганда ўзак морфеманинг товуш тузилиши ўзгармайди.

Масалан: *бош* – ўзак морфема ва *бошланмоқ* сўзнинг негизидир (*бош-ла-н-моқ*). *Темир* – ўзак морфемадир “*темир*”, *темирчилик* негиз ҳисобланади(*темир-чи-лик*) [26.56].

Инглиз тилидаги ўзак морфема ҳам шунингдек, негизнинг товуш тузилиши билан мос келади.

Масалан: “*friend*” – ўзак морфема ва негиз бир хилдир. “*Ship*” кўшимчаси негизга қўшилади. “*Sriend-ship*” худди “*read*” сўзига *-er* қўшилганидек *read-er* - *reader* инглиз тилида шундай морфемалар ҳам борки, улар ёлғиз ўзи келса ҳеч қандай маъно англамайди. Масалан: *pocket(посе)*, *hamlet(ham)*, “*rock*”, “*ham*” морфемаларининг ўзи ҳеч қандай маъно англамайди[27].

Инглиз ва ўзбек тили кўшимчаларини қиёсий ўрганиш.

Инглиз тилидаги барча кўшимчаларни кўриб чиқар эканмиз, инглиз тили кўшимчаларга бой эмаслигини кўрамиз.

Инглиз ва ўзбек тилидаги кўшимчаларни таққосласак ўзбек тилида кўшимчалар кўплигини кўрамиз. Инглиз тилидаги умумий кўшимчалар сони 67, ўзбек тилида 171 тадан иборатдир. Лекин олд кўшимчалар ўзбек тилига караганда инглиз тилида кўпроқ қўлланилади.

Ўзбек тилида қуйидаги олд кўшимчалари мавжуд: *бе-*, *но-*, *ба-*, *бо-*, *ним-*, келиб чиқиши жиҳатидан ўзбек тили кўшимчалари ҳам икки турга – туб ва четдан кириб келган кўшимчаларга ажралади. *-чи*, *-гар*, *-зор*, *-лик*, *-ли*, *-оқ* каби кўшимчалар ўзбек тилининг ўз туб кўшимчалари ҳисобланади, аммо

–изм, -ация, -бо, -но, -намо каби қўшимчалар четдан кириб келган қўшимчалардир. Қўшимчалар ҳам турли тилларда турли семантик гуруҳларга ажратилади. Масалан кичрайтириш қўшимчалари инглиз тилига қараганда ўзбек тилида кўпроқ учрайди. Масалан:

| Diminutive | Suffixes |
|--|--|
| In English | In Uzbek |
| -ie (birdie), -let (cloudlet), -ling (wolfling), ette (mountainette), -ock (hillock), -y (Jony), -et (whippet), -kin (tigerkin), | -акай (йўл-йўлакай), -алак (дўнгалак), -гина (қизгина), -жон (дадажон), -ка (йўлка), -кач (тахтакач), -кина (гўдаккина), -лоқ (қизалоқ), -ой (Салимой), -он (ўғлон), -оқ (бошоқ), -ча (аравача), -чак (тугунчак), -чик (қопчик), -чок (қўзичок) |

Ўзбек тилига қараганда қараганда инглиз тилида бўлишсизлик қўшимчаси кўпроқ кенгроқ ишлатилади. Ўзбек тилида: *-сиз* (қўлсиз), *бе-* (бераҳм), *но-* (нохуш). Инглиз тилида: *-less* –(handless), *a-, an* (anomalous); *-un* (unkind), *dis-* (distike), *anti-* (antibiotic), *de- docode*, *in-* (innocent), *ir-* (irregular), *im* (impossible), *non-* (nondeductive) кўриб чиққанимиздек ўзбек тилидаги олд қўшимчаларнинг сони жуда кам бўлиб улар 8 тадир. Улардан сўз туркимидаги сўзни бошқа бир сўз туркумига айлантириш имкониятига эга. Масалан: **адаб**(от) – *боадаб*(сифат), **хосил**(от), *серхосил*(сифат), **илож**(от) – *ноилож*(сифат), **бахт**(от) – *бебахт*(сифат), **ранг**(от) – *нимранг*(сифат) [27].

Фразеологик бирликлар ўзбек тилига сўзма-сўз таржима қилинмайди. Инглиз ибораларининг эквивалентлари ўзбек тилида турли хил бўлиши мумкин.

- I gave me chance to sleep. I didn't sleep last night – *Ҳечқиси йўқ, қайтанга ухлаб олдим, кеча мижжа қоқмаган эдим.*

- “Tonight you will tell me everything, said Rinaldi” – *кечқурин менга оқизмай-томизмай ҳикоя қилиб берасиз-деди Ренальди.*

- When we swaggered by twirling his new mustastache, everybody stopped to look and admire – *У энди сабза ура бошлаган мўйловини бураб, савлат тўкиб юрган чоғида ҳамма одамлар унга қарашар эди.*

- I sacrificed everything for something that never came – *Рўёбга чиқмаган ана шу нарсани деб бутун умримни хазон қилдим.*

- It was still raining hard – *Ёмғир ҳамон челақлаб қуяр эди.*

- All right, I wash my hands of the matter. But I warn you all that a time's coming when you're going to feel sick whenever you think of this day – *Яхши бўлмаса! Агар шундай бўладиган бўлса, мен қўлимни ювиб қўлтигимга ураман. Аммо сизларга айтадиган бир гапим бор: бир кун келади бу қилмишингизга пушаймон бўласиз ва қилган ишингизни эслашнинг ўзидаёқ ҳушингиз кетиб қолади.*

- Do you know how she seems to me? – She seems fresh, like a flower – *Фуогни қандай тасаввур қилишимни биласизми? – Гулдек тоза.*

- It was as plain as day – *Бир пасда ҳаммаси қандай равшан бўлди-қолди [26.143].*

2.3. Лексикография ва қиёсий типология.

Қиёсий типология лексикография билан, яъни луғат, сўзлик, сўзлашув китоблари тузиш билан бевосита алоқадордир. Лексикография мустақил фан сифатида ажралиб чиққанига унча кўп вақт бўлмаган бўлса ҳам дастлабки бир тилли луғатлар, сўзликларнинг минг йиллик тарихи бор. Бундай илк асарларни қадимги юнонларда учратамиз. Ҳозирги вақтда

луғатларнинг турли-туман хиллари мавжуд бўлиб, улар маълум тилнинг семантикаси, этимологияси ва структураси хусусиятларини акс эттиришига кўра изоҳли, таржима, имло, махсус этимологик синонимлар, антонимлар, хорижий сўзлар, фразеологик, морфемик ва сўз ясовчи, грамматик, орфографик, неологизмлар, эпитетлар, антропонимлар, топонимлар, қисқартмалар ва бошқа турлари мавжуд [18.15].

Қиёсий типология ва лексикографиянинг амалий аҳамияти, илмий изланишлар натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилиши билан чамбарчас боғлиқ. Лексикографиянинг бошқа фанлар билан бўлган алоқаси тобора ортиб бормоқда.

Лексикография амалий фан бўлиб, у тилшунослик ва бошқа фанлар эришган ютуқлардан амалий фойдаланади [18.20]. Лексикография автоматика ёрдамида сўзлик материалларини танлашда, таҳрир қилишда, сўзларни семантик график ва шаклий гуруҳларга ажратишда, сўз туркумларини аниқлашда, перфокарталар, механографик картотекалар тузишда ва график кодификациялашда қиёсий типология эришган натижалардан фойдаланади.

Луғат мустақил ўқиладиган қўлланмаларнинг бири бўлиб, у фақат бирорта чет тилни ўрганишгагина эмас, балки она тилини ўрганишга ҳам ёрдам беради. Ҳар бир кишининг сўз бойлиги чегараланган, шу боисдан луғатлар ёрдамсиз бирор иш бажариш мушкул [18.22].

Изоҳли луғат. Икки тилли изоҳли луғатга Т. Мирсоатова М. Сатторовларнинг “Немисча-ўзбекча грамматик атамалар изоҳли луғати” [53] мисол бўла олади.

Мактаб луғатлари материални ниҳоят даражада аниқ баён этишни талаб этади. Луғатдаги бундай аниқликка фақат қиёсий типология ёрдамидагина эришиш мумкин.

Икки тилли луғатларда сўзларнинг фонетик, морфологик, лексик, семантик, синтактик ва имлога оид хусусиятлари берилади. Уларни баён

этишда қиёсий типологиянинг тегишли бўлимлари, яъни фонологик, грамматик, лексик ва семантик типология эришган натижалардан фойдаланилади. Ўрганилаётган тиллар гарчи ҳар хил тизимга мансуб бўлиб бир-бирига қардош бўлмаса ҳам луғатларда сўзларнинг мос келадиган энг умумий ва турғун маънолари берилади. Буни инглиз ва ўзбек тиллари мисолида кузатиш мумкин. Масалан, инглиз тили ҳолат даражасидаги сўзлар, артиклар, предлоглар ва модал сўзларнинг тўғридан-тўғри мос келадиган маънолари ўзбек тилида йўқ. Шунингдек, ўзбек феъл шакллариининг ҳам инглиз феълларига мос келадиган шакллари инглиз тилида йўқ.

Қиёсланаётган тиллар тизимлари ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилмай туриб, икки тилли луғат тузиб бўлмайди, албатта. Икки тилли луғатларга қуйидаги луғатлар мисол бўлади:

Таржима луғатлари. Бу турдаги луғатлар икки ёки ундан ортиқ тилли бўлиши мумкин. Бундай луғатларда бирор тилга оид сўз ва иборалар иккинчи (учинчи ва ҳоказо) тилга таржима қилинади. Бундай луғатлар сирасига 1959 йилда нашр қилинган “Ўзбекча-русча луғат”, Ж. Бўронов ва бошқаларнинг “Инглизча-ўзбекча луғати” [20], Ш. Бўтаев ва бошқаларнинг “Инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча” луғати [54], Ҳ. Неъматовнинг “English-Uzbek Learner’s Dictionary” [55] ва Б. Алимардонов ва бошқаларнинг “Инглизча-ўзбекча танланган сўзларнинг инглиз ва ўзбек тилларидаги изоҳли луғати” [56] каби луғатлар киради.

Махсус луғатлар. Бу луғатлар фан ва техниканинг маълум бир йўналишига, тармоғига бағишланган бўлиб, у ҳам изоҳли, ҳам таржима луғати бўлиши мумкин. Мисоллар: “Замонавий молия-банк атамаларининг инглизча-ўзбекча-русча луғати” [57], “Инглизча-русча-ўзбекча ҳуқуқий атамалар луғати” [58], “Инглизча-русча-ўзбекча юридик терминлар ўқув луғати” [59] каби луғатлар.

Қиёсий типология каби лексикографик жараённи ҳам таҳлил ва

синтез босқичига бўлиш мумкин.

Биринчи босқичда луғат учун танланган сўзларнинг лингвистик таҳлили берилади. Бу босқичда маълум миқдорда лексик birlikлар танланиб, зарурий фонетик, морфологик ва сўз бирикмаларига, сўзлашувга ва стилистикага оид тавсифлар келтирилади. Лингвистик тавсифнинг кўп ёки камлиги тузилаётган луғатнинг хусусиятига боғлиқ.

Қиёсий типология таҳлил босқичида луғат тузувчига иш жараёнини тўғри ташкил этишда ёрдам беради ва маълум тил тизимларига риоя қилиш учун йўл-йўриқ кўрсатади. Мазкур босқичга таяниб, синтез босқичига ўтилади, таржима қилинаётган тил(ТТ)даги адекват birlikлар ўрганилади.

Қиёсий типология билан лексикография ўзаро бир-бирига яқин эканлигини ифода этувчи талай хусусиятларга эгадирлар:

1. Қиёсий типология ва лексикография икки ёки ундан ортиқ тил тизимларини тадқиқ эта олади, яъни қиёсий типологияда ҳам, лексикографияда ҳам икки ёки ундан ортиқ тил тизимини қиёслаш ҳамда шу яруслар birlikларининг мос келиш қонуниятларини аниқлаш мумкин.

2. Қиёсий типология ва лексикография учун қиёсланаётган тилларнинг генетик қардошлиги ёки қардош эмаслигининг аҳамияти йўқ. Бироқ шунини айтиб ўтиш керакки, улар ўртасидаги генетик қардошлик қиёслаш жараёнини енгиллаштириб, сўз, морфема (аффиксал), синтактик ва бошқа ўхшашликлар типолог ва лексикограф ишини осонлаштиради.

3. Қиёсий типология ва лексикография бир тил тизимида ва тизимлараро қиёслашга асосланади. Типологиядаги ички тизимлилик турли ярус birlikларини типологик ўрганиш ва қиёслашдан иборат бўлиб, лексикографиядаги ички тизимлилик эса изоҳли ёки мактаб луғатларини қиёслашни ўз ичига олади.

4. Қиёсий типология ва лексикография ўз қиёслаш жараёнига тааллуқли бўлган яруслар birlikлари билан чекланиб қолмайди. Маълум бир грамматик даражалар қиёсланаётганда, грамматик ярусга кирмаган

бирликларни истисно этиб бўлмайди.

Икки тилли луғатларни қиёслаётганда ҳам фақат сўз ярусини билан чекланилмайди, чунки сўз бирикмалари ва гап ярусисиз предлог, боғловчи, кўмакчи каби ёрдамчи сўзларни баён этиб бўлмайди.

Типологик қиёслашда ҳар бир қиёсланаётган тил тизимини бошқа бир тил тизими натижаларига мувофиқ инвентарлаштирилади. Изоҳли луғат бир тил тизимини типологиялаш асосида тузилса, икки тилли (ёки кўп тилли) луғат тиллараро қиёслаш натижаларига асосланиб тузилади.

Икки тилли луғатлар тузиш.

Қиёсий типология ва лексикографиянинг ўзаро алоқаси кўпроқ икки тилли луғатлар тузишда намоён бўлади. Улар ўртасидаги алоқани аниқлашда лингвистик ва нолингвистик омилларнинг аҳамияти катта.

Лингвистик омил материални типологиялаш билан боғлиқ бўлиб, типологиялашда тиллар тизимларининг қардошлиги ва тиллар тизимларининг ишланганлиги муҳим роль ўйнайди.

Тиллар тизимларининг қардошлиги лексикограф учун маълум даражада енгиллик яратади. Чунки қардош тилларда тарихий тараққиёти ўхшаш бўлган сўзлар кўп учрайди. Бу сўзларда лексик ўхшашлик грамматик ўхшашлик билан биргадир [19.45-46]. Мазкур масаланинг тил тизимлари яқин қардошлиги билан боғлиқлигини айтиб ўтиш лозим. Масалан, қардош бўлишига қарамай, рус, ҳинд, албан сўзлари бир-биридан олислашиб кетган.

Икки тилли луғат тузишнинг лингвистик жараёни бир тилли луғат тузишдан фарқ қилади. Бир тилли луғатларда таҳлил босқичи бир тил тизимида инвентарлаштиришдан, икки тилли луғатларда эса икки тил тизимида инвентарлаштириш ҳамда тиллараро мувофиқлаштиришдан иборат. Мувофиқлаштириш ҳам бир-биридан фарқ қилади, Бир тилли луғатларда бир тил тизимида мувофиқлаштирилса, икки тилли луғатларда тиллараро мувофиқлаштирилади. Бунда бир тилли луғатлар бир ярусини

маънодош эквивалентларга, икки тилли луғатлар эса тиллараро маънодош сўзларга таянади.

Ҳар иккала луғатда ҳам маънодошлар ё трансформациялашган, ё трансформациялашмаган бўлади.

Ўзбек тили ииглиз тилидан нисбат ясовчи аффиксларнинг кўплиги билан фарқ қилади. Шунинг учун инглизча-ўзбекча луғатлар ўзига хос хусусият касб этади.

Ўзбек тилида нисбат ясовчи суффикслар грамматик морфемага тааллуқли бўлишига қарамай, ҳар бир шаклни махсус луғат мақоласи тарзида бермоқ зарур. Ҳар бир шакл ииглиз тилида махсус мустақил сўз тарзида талқин этилади. Агар шундай қилинмаса, луғатда у ўз аксини топмайди.

Луғат тузишда маълум тилда гапирувчиларнинг маданияти ва турмуш даражаси бирлигининг аҳамияти катта.

Баъзи сўзлар кенг тарқалиши, ер куррасининг турли томонларига ёйилиши билан ҳатто халқаро сўзга айланиши мумкин.

Иккинчи бобга хулоса

1. Мазкур бобда Ўзбек тилини ҳорижий тиллар билан қиёсий таснифи куриб чиқилди ва мисоллар ёрдамида очиқ берилди.

2. Шунингдек, чоғиштирилаётган тилларнинг хусусияти баён қилинади, чоғиштириш жараёнидаги зарур принциплар кўрсатиб берилади. Рус тили ва немис тилини ўзбек тили билан чоғиштирилиши, айниқса, ииглиз тили ва ўзбек тилини фонетик ва лексик жиҳатдан чоғиштирилиши акс этган. бўлимлар диссертациянинг асосини ташкил қилади.

3. Иккинчи бобнинг учинчи бўлими луғат тузиш ишларига бағишланади.

Бу бўлимда шунингдек, луғатларнинг турлари, икки тилли, изоҳли ва махсус луғатларни тузиш зарурияти ва тамойиллари ўз ифодасини топган.

ХУЛОСА

1. Ўзбекистонда чоғиштирма тилшуносликнинг тараққиёти турли

таҳлиллар утказиш оркали аникланиб босқичларга ажратилди. Ўзбекистонда чоғиштира тилшуносликка доир илк манбаларни таҳлил қилинди. Маҳмуд Қошғарий ва Маҳмуд Замаҳшарийларнинг “Девону луғотит турк” ва “Муқаддамат ул-адаб” китобларида туркий тилнинг барча бойликларидан фойдаланган ҳолда луғат тузиши, кейинчалик ўзбек тилининг асосчиси Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида ўзбек тили имкониятларининг форс тили имкониятларидан асло кам эмаслигини исботлаб бергани каби маълумотлар келтирилди.

2. Ишда дастлаб туркий тиллар ўзаро қиёсан ўрганилганиди, кейинчалик араб, форс тиллари билан чоғиштирилиб, ушбу тиллардан ўзбек тилига узлашган сузлар мисоллар билан очиб берилди..

3. Мустакиллик даврига келиб эса, ўзбек тилини турли хорижий тиллар билан қиёслаш ишлари амалга оширилиб, таржимонлик, луғатшунослик соҳалари буйича куплаб ютуқларга эришилганлиги турли мисоллар билан очиб берилди.

4. Ўзбек тили рус, немис ва инглиз тиллари билан чоғиштирилиб, улар ўртасида фонетик ва лексик жиҳатдан чоғиштирилиш ишлари амалга оширилиб мисоллар билан ёритиб берилди.

5. Иккинчи бобнинг учинчи бўлими луғат тузиш ишларига бағишланади. Бу бўлимда шунингдек, луғатларнинг турлари, икки тилли, изоҳли ва махсус луғатларни тузиш зарурияти ва тамойиллари ўз ифодасини топган.

Ўзбекистонда чоғиштира тилшуносликнинг тараққиётини тадқиқ этилиши - тилларни чоғиштириб ўрганиш натижасида турли тиллар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш ҳамда улар ўртасидаги фарқли ва ўхшаш томонларни очиш оқибатида тилшунослик соҳасидаги турли муаммоларнинг ечилишига ёрдам беради. Тадқиқот давомида олинган натижалар ва хулосалар олий таълим муассасаларида хорижий тилларни

Ўрганувчи бакалавриат ва магистратура босқичидаги талаба ва магистрантларни ўқитишда, шунингдек, келгусида шу соҳада ўқув, услубий қўлланмаларни яратишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. А. Гармонично развитое поколение – основа прогресса Узбекистана. – Ташкент, “Шарқ”, 1998. 8-9-бетлар.
2. Қошғарий М. Девону луғотит турк I том. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. – Тошкент: “ФАН”, 1960. – 499 б.
3. Қошғарий М. Девону луғотит турк II том. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. – Тошкент, “ФАН”, 1961. – 427 б.
4. Қошғарий М. Девону луғотит турк III том. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. – Тошкент, “ФАН”, 1963. – 466 б.
5. Замахшарий М. Муқаддимат ул-адаб. Феъллар боби. Таржимон ва нашрга тайёрловчи З.Исломов. – Тошкент, “Ислом университети” нашриёти, 2002. Сўз боши – Б. 3-10. Луғат қисми 886 б.
6. Алишер Навоий. Мукаммад асарлар тўплами. 20 томлик. 6-том. – Тошкент, “Фан”, 1990. – 568 б.; 11-том. – Тошкент, “Фан”. 1996. 640 б.; 3-том. – Тошкент, 1989. – 616 б.; 7-том. – Тошкент, 1991. – 392 б.; 8-том. – Тошкент, “Фан”, 1991. – 541 б.; 12-том. Тошкент, “Фан”, 1996. – 325 б.
7. Абдухамид Нурмонов. Ўзбек тилшунослиги тарихи. –Тошкент, “Ўзбекистон”, 2002.-227б
8. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек ва рус тилларини қиёслаш. –Тошкент, “Ўзбекистон”, 1993. 109 б.
9. Киссен И. А. Курс сопоставительной грамматики русского и узбекского языков. Изд-во «Укитувчи», –Ташкент—1977 (2-е издание). 86 с.
10. Азизов А. Семантика настоящего времени глаголов русского и узбекского языков. Труды института языка и литературы им. А. С. Пушкина., Изд-во АН, Ташкент — 1950, 220 с.
11. Азизов А. А. Категория числа существительных в русском и узбекском языках. Журн. «Русский язык в узбекской школе», 1959,

№ 5.

12. Азизов А. А. Категория вида русского глагола и грамматические средства передачи её в узбекском языке. Журн. «Русский язык в узбекской школе», 1960, № 2.
13. Азизов О. в а бошқалар. Ўзбек ва рус тилларининг қиёсий грамматикаси. «Ўқитувчи» нашриёти, – Тошкент — 1986, 284 б.
14. Азизов А. А. Сопоставительная грамматика русского и узбекского языков. Морфология. Изд-во «Укитувчи», – Ташкент — 1983. 238с.
15. Якубова Х. Практикум по сопоставительной грамматике русского и узбекского языков. – Ташкент, «Учитель», 1964. 153 б.
16. Буранов Дж. Об основных методах сравнения языковых систем. //Иностранные языки в вузах Узбекистана. 1973. Вып.5.
17. Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. –Москва, «Высшая школа», 1983. 364 с
18. Буранов Дж. О некоторых лексикографических особенностях школьных словарей. «Материалы научно-теоретической конференции профессорско-преподавательского состава», –Ташкент, 1967. 284 с
19. Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1973. 283 б.
20. Бўронов Ж ва бошқ. Инглизча-ўзбекча луғат. –Тошкент, 2001.358б
21. Юсупов У. К. “Проблемы сопоставительной лингвистики”. –Ташкент. 1980. 344 с
22. Юсупов У. К. “Проблемы сопоставительной лингвистики”. АДД. – Москва. 1983.
23. Юсупов У. К. “Вклад языковедов Узбекистана в развитие

- сравнительного языкознания // Тилшуносликнинг долзарб масалалари(Илмий мақолалар тўплами), III. –Тошкент, 2006. 22-26 бетлар.
24. Юсупов У. К. Развитие сравнительного языкознания в Узбекистане. // Қиёсий тилшунослик: анъаналар ва истиқбол. Конференция материаллари. – Самарқанд, 2006. 16-19 бетлар.
 25. Юсупов У. К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. “ФАН”, –Ташкент. 2007. 126с.
 26. Мўминов О. Lexicology of the English language. – Tashkent, 2006.-161 б
 27. Абдуазизов О. Фонологик системалар типологияси. ДДА. –Тошкент. 1974. 137с
 28. Абдуазизов А. А. English phonetics A theoretical course. Publishing house “Musiqqa”. –Tashkent. 2007. 256 p.
 29. Ахмедов О. С. Солиқ ва божхона терминларининг инглиз тилидан ўзбек тилига берилиши. Номз.дисс.авт., –Тошкент, 2010.
 30. Бухоро Давлат Университети Тилнинг лексик-семантик тизими ва қиёсий-типологик изланишлар; синхрония, диахрония. Илмий-назарий анжуман материаллар туплами. Бухоро-2009. 308б
 31. Казаков И. Р. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларида от ясовчи кўшимчаларнинг қиёсий-функционал семантик тадқиқи. Номз.дисс.авт., –Тошкент, 2002.
 32. Камбаров Н. М. Фоностилистические средства английского языка и их соответствия в узбекском языке. АҚД. –Ташкент, 1990;
 33. Одилова Г. К. Инглиз ва ўзбек мумтоз шеърини таржималарида адекватлик муаммолари. Номз.дисс.авт., –Тошкент, 2007.
 34. Хашимов Г. М. Типология сложного предложения в разносистемных

- языках. АДД. –Ташкент, 2002.
35. Салимов Г. Х. Повторная номинация в английском и узбекском языках АКД. –Ташкент, 1991.
 36. Машарипова Г. М. Ўзбекистонда чоғиштирма тилшуносликнинг тараққиёти. Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси, 2011 йил, №4. 67-70 бетлар.
 37. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. Ўзбекистон. –Тошкент, 2002. 227б.
 38. Шербак А. М. Грамматический очерк языка тюркских текстов. X-XIII вв. Из Восточного Туркестана. М-Л., 1961.
 39. Баскаков Н. А. Введение в изучение тюркских языков. Москва, 1968, 242-310 стр.
 40. Абдурахмонов Г., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1981. –Б. 80.
 41. Абдуллаев Ф. Арабизмы в узбекском языке: Дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1945. – 102 с.
 42. Акылбекова З. Арабизмы // Источники формирования тюркских языков Средней Азии и Южной Сибири. –Фрунзе, 1964;
 43. Усмонов С. Ўзбек тилининг луғат составида тожикча-форсча ва арабча сўзлар // Навойига армуғон. . – Тошкент, 1968. – Б.109-120;
 44. Уватов У. Номи улуг, сўзи кутлуг. Абул-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. . – Тошкент. 1992.
 46. ШаҳобиддиноваШ., Абдувалиев М. Муҳаббат таронаси. Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси, 2012 йил 1 июн, № 22(4161)].
 47. Бегматов Э. Арабча ўзлашма сўзлар қатлами // Ўзбек тили лексикологияси. . – Тошкент:” Фан”, 1981. – Б.11-124
 48. Поливанов Е. Д. Русская грамматика в сопоставлении с узбекским языком. . – Ташкент— 1933.

49. Смирницкий А. И. Сравнительно-исторический метод и определение языкового родства. Москва., 1955.
50. Бондарко А. В. Грамматическая категория и контекст. . – Л.: «Наука», 1971.
51. Гулыга Е. В., Шендельс Е. И. Грамматико-лексические поля в современном немецком языке. . – Москва. 1969.
52. Беньяминов Я. Р Немис ва ўзбек тилларининг киёсий типологияси . “Ўқитувчи”, . – Тошкент 1989. 223б
53. Мирсоатов Т. З., Сатторов М. Немисча-ўзбекча грамматик атамалар изоҳли луғати. ” Ўқитувчи”, . – Тошкент. 1992. 152б.
54. Бўтаев Ш ва бошқ. “Инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча” луғат. . – Тошкент, 2004.
55. Неъматов Ҳ. English-Uzbek Learner’s Dictionary/. – Самарқанд, 2004.
56. Алимардонов Б. ва б. “Инглизча-ўзбекча танланган сўзларнинг инглиз ва ўзбек тилларидаги изоҳли луғати” /бош муҳаррир James Zvara//. . – Тошкент, 2004.
57. Олимжонов О. О. Замонавий молия-банк атамаларининг инглизча-ўзбекча-русча луғати. “Шарқ”. . – Тошкент. 2009. 232б.
58. Содиқова И. Х. Инглизча-русча-ўзбекча юридик терминлар ўқув луғати. “Адолат”, . – Тошкент. 2001. 288б.
59. Сатимов Ғ. Инглизча-русча-ўзбекча ҳуқуқий атамалар луғати.” Адолат”, . – Тошкент. 1999. 336б.
60. Зарипова Р. А. Изучение иностранных языков в Туркестане (1865-1924). . – Нукус, Каракалпакия. 1971. 152с.

Фойдаланилган Интернет Саҳифалари

www.ziyonet.uz

www.google.uz

<http://www.Translate.ru>

<http://www.Informicer.net/price/KGB.htm>

http://www.ntu/edu/online/allacurs_olaps